

Қўй нима қилади? Сут манбаи бўлмиш озуқани аввал ўзи еб, охиригача ҳазм қилади. Кейин топ-тоза сутни кўзисига беради. Бу тоза сутдан кўзига асло зарар етмайди. Чунки қўй кўзиси учун зарарли бўлган моддаларни ички аъзоларида ажратиб, уларни чиқит ҳолида чиқариб ташлаган бўлади.

Хўш, қуш-чи, у нима қилади? Қуш бундай эмас. У полапони учун тутган бирон пашша, кўнғиз ёки бошқа озуқани тумшуғи орасига олиб, тўғри бола-сининг оғзига келтириб ташлай-

ВОИЗЛАР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

Биз мусулмонлар ҳар биримиз бир нави воизмиз. Масжидларда, катта издиҳомларда ваъз-насиҳат қиладиган имом-домлалардан фарқли ўлароқ, биз ҳеч бўлмаганда ёр-дўстлар даврасида, оила аъзоларимизга, фарзандларимизга ваъз айтамиз, кўлимиздан келганича яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарамиз.

Аммо натижа ҳар доим ҳам кўнгилдагидек, ўзимиз кутганимиздек бўлмаяпти. Шу масалани ўйлаб, баъзи хулосаларимизни сиз азизлар билан ўртоқлашмоқчи бўлдик.

Сарлавҳани ўқиб, воизларимиз биздан ранжиб юрмасинлар. Чунки биз уларга воизлик қандай бўлиши кераклигини ўргатиб, билимдонлик қилмоқчи эмасмиз. Ҳар ким ўзининг ҳолатини яхши билади. Бироқ бир мулоҳаза устида тўхталиб ўтиш лозим кўринди.

Бизнингча, баъзи воизларимиз эшитувчилар ҳолатини кўпинча инobatта олмайдилар.

Уларга ҳаёт билан боғланмаган, улар сингдиrolмайдиган мавзуларни тақдим этадилар. Натижада ваъз таъсири сезилмайди, баъзан ҳатто эътирозлар келиб чиқади.

Аслида, бу ҳолатни ўнглаш қийин эмас. Бунинг учун ўзимиз қилаётган панд-насиҳатларга, энг аввало, ўзимиз амал қилишимиз, масаланинг осон ёки қийинлик даражасини ўзимизда синаб кўришимиз, шундан кейингина жамоатга тақдим этишимиз керак.

Насиҳатгўй қандай бўлиши кераклигини англатувчи, маъноси бир рисолага тенг келади-ган машҳур ибора бор: *“Олиму муршид (йўл кўрсатувчи, раҳбар, олим) қуш эмас, қўй бўлиши керак. Қўй кўзисига сут, қуш полапонига қусуқ беради”*. Бу ибората нафақат воизларга ё имом-домлаларга, балки барча мусулмонларга тегишли чиройли бир ибрат ва ҳикмат ифодалангандир.

Бу озуқада зарарли, заҳарли модда бўлса, таъсири полапонига ўтади. Зеро, қуш озуқани зарарли моддалардан тозалаш қобилиятидан маҳрумдир. Чунки озуқани ўзи емасдан, ҳазм қилмасдан полапонига келтириб беради.

Шу мисолга биноан биз воизлар мавзуни аввал ўз фикр ва зеҳн дунёларимизда ҳазм қилиб олишимиз, сўнгра жамоат ҳукмига тақдим этишимиз лозимдир.



МУНДАРИЖА

Мулоҳаза	
Воизлар қандай бўлиши керак?	1
Амри маъруф	
Камолиддин ИНОЯТУЛЛОҲ	
Бош тортганлар ким?.....	5
Ҳидоят топганлар	
Али Вячеслав ПОЛОСИН	
Аллоҳга элтувчи тўғри йўл	6
Амри маъруф	
Соатлар секин юрса ҳам, вақт тез ўтади.....	9
Дарсхона	
Акмал АВАЗ	
Тажвиддан синов	12
Сўранг, жавоб берамиз.....	13
Қуръон қиссалари	
Асҳобул Қаҳф қиссаси	16
Мактубларда манзаралар	
Маҳалла болалари — менинг болаларим	
Мавлуда МУҲИДДИН қизи	
Қалб муруввати	18
Раҳима ШОМАНСУР	
Аёл сабри	18
РУХСОРА	
Гўдак ҳиди	19
Барот ГУЛОВ	
Ўзимга вожиб билдим	19
Тадқиқот	
Масих Дажжол	20
Адабиёт	
Орзикул ЭРГАШ	
Ўрик	22
Илк намоз	
Феруза ШОКИРОВА	
Укамнинг тавбаси	23
Маҳмуд МУХТОРОВ	
Намозини қазо қилмаган.....	23
Шеърят	
Сулаймон ШОДИЕВ	
Аё кўнгил	27
Илҳом ОРИПОВ	
Она сўзи	27
Абдусалом ИБРОҲИМОВ	
Ўзингдадир	27
Наҳйи мункар	
Йўлдош ОТАМУРОД	
Шайтон билан ҳамкорлик	28
Насихат	
Риёдан огоҳлантириш.....	29
Ибратли ривоятлар	
Оқилона жавоб.....	31
Яратилиш ҳикмати	
«...Ақл эгалари учун оят-аломатлар...»	32

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигини сўраймиз

Тарих
Мансурали АРАББОЕВ

4



Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобаларини ҳижратга чақирганларида, улар орасида обрў-эйтиборга, молдавлатга эга бўлиб, хуррам яшаётганлари ҳам бор эди. Аммо улар ҳам Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, даъватларига “Лаббай” дея жавоб бердилар.

Хабарлар

10

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Шветсия мусулмонлари

Бугунги Шветсия қонунчилиги мусулмонлар жамоасига улар танлаган жойда масжид қуриш учун рухсат беради. Бунинг учун тегишли

ер майдонини сотиб олиш ва маҳаллий маъмуриятдан масжид қуришга рухсат кифоя.

Шветсия ҳукумати мамлакатда кўпмаданиятли миллий сиёсатни ўрнатиш мақсадида масжидлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратади.

Мовароуннахр уламолари
 Хожа Абдул Холиқ ФИЖДУВОНИЙ

14

ШАЙХ ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ

Шайхимиз доимо ўйлаб, та-
 бассум ила кулимсираб сўзлар,
 ҳеч қачон очик зикр қилмас, до-
 имо дил зикри билан машғул
 бўлар эдилар. Байрам кунлари
 масжидгача халойиқни қутлаб,
 одамлар билан дилдан суҳбатла-
 шиб борардилар.



Оила одоби
 Муҳаммад Аҳмад КАНЪОН

24

ФИТРИЙ (ХОС ИНСОНИЙ) ОДОБЛАР


Инсон ҳар ҳафтада, жумадан жумага-
 ча ўзини текшириб туриши мустаҳаб бўла-
 ди. Имом Муслим Анас ибн Моликдан,
 розийаллоҳу анҳу, ривоят қилади:
 “Мўйлабни қисқартириш, тирноқни
 олиш, қўлтиқ ва киндик ости тукларини
 юлиш ва қиришни қирқ кундан ортиқ
 қолдирмаслигимиз бизларга белгиланган”.

Наҳий мункар
 Собир КАМОЛ

28

КИМДАН ЎРНАК ОЛЯПМИЗ?

Тавба, биз давомчила-
 римиз, динимизга қувват
 бўлажак болаларга нима-
 ни раво кўряпмиз? Бугун
 “Эсмалда”ю “Муҳаббат
 қаҳваси”, яна минг бир
 номдаги филмлар таъси-
 рида ўсаётган болалар эртага ким бўлиб етиши-
 шини тасаввур қиляпмизми? Ўзимиз-чи? Бизга бе-
 рилган омонат, яъни, сонияси олтину кумушдан
 азирроқ вақтимизни нимага сарфляпмиз?



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
 илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
 Абдулазиз МАНСУР
 Абдураззоқ ЮНУС
 Анвар ТУРСУН
 Муҳаммад Шариф ЖУМАН
 Юсуфжон ИСҲОҚ
 Эркин МАЛИК
 Абдул Жалил ХЎЖАМ
 (Бош муҳаррир ўринбосари)
 Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
 Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади.
 Бадиий муҳаррир
 Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли
 Тартибловчи
 Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
 Мусаҳҳиҳа
 Юлдуз КОМИЛ қизи

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
 Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.
 Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
 қўмитасида рўйхатга олинган.
 Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2003 йил 3 апрелда руҳсат берилди. Бос-
 махонага 2003 йил 9 апрелда топширилди. Қо-
 гоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 8000 нусха. 66-сон
 буюртма. «KOH1 NUR» МЧЖда босилди. Ман-
 зили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
 Интернет почтамыз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
 Макет асл нусхаси Pentium-IV
 компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
 Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар
 тўлиқ ёзилиши, манзил тўғри кўрсатилиши шарт.

Мансурали АРАББОЕВ,
Имом ал-Бухорийи молидаги Тошкент
Ислам институти мударриси



ҲИЖРАТНИНГ ЎЗИ БИР МЎЪЖИЗА

Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, буюк мўъжизалари орасида муборак ҳижрат ҳодисаси ҳам бор. Мазкур тарихий ҳодисанинг мўъжиза экани, бошқа мўъжизалар каби у ҳам фақат Аллоҳ таоло ёрдами билан содир бўлгани ҳақиқатдир.

Бу ҳақиқат фикри тиниқ кишилар учун мусаффо осмондаги порлоқ қуёшдек равшандир. Фараз қилинг, ишончли бир одам дўстларига: “Ўз диёрингизни, қурган қасрларингизни ташлаб йўлга чиқинг, фақат гўдақларингизни ва сизга итоат этадиган яқинларингизни олинг. Лекин бориладиган жойда сизлар учун танишбилиш, қариндош-уруғ йўқ. Шунингдек, сиз учун азиз ва суюкли зотлар билан ҳам видолашинг! Бордию бу ерда душманлар сизлардан умр бўйи тўплаган мол-дунёингиз эвазига нотаниш юртга чиқиб кетишга мажбурласалар, ушбу сафарни хушҳоллик билан кутиб олинг. Сафарда ёлғиз Аллоҳга тавак-

кул қилинг, лекин у диёрда ҳолингиз қандай бўлиши ёки турмуш тарзингиз кафолати ҳақида мендан бирор нарса сўраманг!” деса, ўша одам нақадар ишончли, қадри юксак бўлмасин, дўстларининг сўзига қулоқ соладими? Ёки улар диёрларини, мол-дунёларини у дўстнинг хитобидан азизроқ ҳисоблашадими? Ҳеч иккиланишмасмиди?

Бу саволга кўпчилик: «Бундай таклифни ўз отам айтса ҳам, уни қабул қилиш мен учун анча мушкул... Ҳеч бўлмаганда, яхшилаб ўйлаб кўришим керак. Ахир, қандай қилиб йиллар давомида йиққан бойлигим, орттирган обрўйим ва қурган қасрларимни ташлаб, нотаниш бир юртга бош олиб кетаман?» деган бўларди. Ҳақиқатдан ҳам, бир қарашда, инсоний табиатдан келиб чиқадиган жавоб шундай бўлади. Бунинг зиддини тасаввур қилиш қийин.

Ҳолбуки, Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобаларини муқаддас ҳиж-

ратга чақирганларида, улар орасида анча-мунча обрў-этибор қозонганлари тижорат ишларига эга бўлганлари ҳамда ёру биродарлари даврасида ҳуррам яшаётганлари ҳам бор эди. Аммо улар ҳам Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, даъватларига “Лаббай” дея жавоб бердилар. Гўё бегона Ясриб шаҳрида ўз диёрларида тополмаган жаннат боғлари, роҳат-фароғат, суюкли аҳбоблар уларнинг йўлларига пешвоз чиқиб келаётгандек, шошилиб, йўлга отландилар. Ўзга юртларда сарсону саргардон кезиб, ғурбатнинг барча азобларини тортиб, ниҳоят имконият туғилганида қадрдон уйига талпинган кимсалар каби нотаниш юрт томон ошиқдилар. Яхшилаб ўйлаб кўринг, шу ҳолатнинг ўзи бир мўъжиза эмасми?!

Энди ҳодисанинг иккинчи тарафига қарайлик.

Фараз қилинг, сиз ўз оилангиз даврасида ҳордиқ чиқараётган пайтингизда ёки тижорат дўконингизда қўл қўлга тегмай савдо қилаётган вақтингизда, мусофирлар келиб, сиздан бошпана ёки тижорат учун дўкон сўраса, қандай жавоб берар эдингиз? Бунинг устига, мусофирлар бир-икки кунга эмас, бир-икки ойга ҳам эмас, балки доимий яшаш учун келсалар, уларга ўз уйингизни, еб турган нонингизни берармидингиз? Ўз молингизнинг ярмини бериб, кунингиз ўтишига сабаб бўлиб турган дўконингиз ёнига унинг учун ҳам бир дўкон қуриб бера-сизми? Деҳқон бўлсангиз, ерингизнинг ярмини унга берган ҳолда кутиб оларми-

дингиз? Қолаверса, сиз уларнинг кимлигини ҳам, эртага ундан фойда бориётганини ҳам билмайсизку? Хўш, қандай йўл тугар эдингиз?

Сўзсиз, жавоб бундай бўларди (айниқса, бугунги кунда): “Бундай мусофирнинг кераги йўқ!» Ҳа, ақлингиз буни қабул қилмади. Лекин Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, воситаларида шундай воқеалар ҳаётда бўлиб ўтди. Яъни, суюкли Пайғамбаримизнинг, соллalloҳу алайҳи ва саллам, ансор саҳобалари, ўзлари муҳтож бўлишларига қарамай, муҳожирларни афзал кўрдилар ва уларни хурсандлик билан кутиб олдилар. Ҳатто кўш-хотишликлари улардан бирини нотаниш биродари учун талоқ қилиб беришга бажонидил рози эканини изҳор этди. Инсон ақли буни кўтара оладими? Аммо бу ҳодиса Қуръонда ҳам таъкидланган ҳақиқатдир. Ҳашр сурасида Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ансор ва муҳожирларни шундай тавсифлайди:

“Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва имон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суюрлар ва дилларида уларга (муҳожирларга) берилган парса-ўлжалар сабабли биров ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор ихтиёр қилурлар. Кимки ўз пафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўна-

лар нажот топгучи зотлардир” (Ҳашр, 9, мазмуни).

Ҳижратнинг мўъжиза экани ушбу оятларда очиқ айтилган:

“Эй пайғамбар) Агар сиз ердаги бор нарсани сарфлагангиз, уларнинг дилларини бирлаштира олмаган бўлур эдингиз. Лекин Аллоҳ уларни бирлаштирди” (Анфол, 63, мазмуни).

Бугун жамиятда бўлаётган воқеаларни кўздан кечирсангиз, бир оила иккинчи оиланинг мулкани, биров бошқа бировнинг ерини ўзиники қилиб олаётганига гувоҳ бўласиз. Мусофирлар ҳам, мезбонлар ҳам бир-бирларига чиройли муомала қилмаётганини, баъзан бошқа шаҳардан келганларнинг бегонасираб юришларини кўрасиз. Муҳожирлар эса бегонасираш нима эканини билишмаган. Агар шундай бўлмаса, улар Макка фатҳидан сўнг ўз диёрларига қайтиб кетишлари лозим эди. Ота ва бола, ака ва ука, она ва қиз гўзал муомала ўрнига, бир-бирларига ёвқараш қилиб, мулк талашинлари Пайғамбаримизнинг, соллalloҳу алайҳи ва саллам, ҳижрат мўъжизаларининг ҳикматига мутлақо мувофиқ келмайди.

Хуллас, Пайғамбаримиз, соллalloҳу алайҳи ва саллам, ҳижратлари Аллоҳнинг ёрдами билан юз берганидек, Ул зотнинг саҳобалари орасида ўзаро меҳр-муруватнинг мустаҳкамланиб бориши ҳам Аллоҳнинг ёрдами билан бўлгани аниқ. Улардан ибрат олиш ҳар бир мусулмонни саодатга эллади.

Жаннат солиҳларнинг, дўзах фожирларнинг абадий жойидир. Аллоҳ таоло уларга элтувчи йўлларни кўрсатиб қўйган. Ҳадисда: “Жаннат машаққатлар билан ўралган, дўзах эса шаҳватлар билан ўралгандир”, дейилади (*Бухорий*).

БОШ ТОРТГАНЛАР КИМ?

Яна бир ҳадисда: “Жаннатнинг калити намоздир, намознинг калити эса таҳоратдир”, дейилган. Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, саҳобаларга қараб: “Умматим ичида бош тортганларидан ташқари барчаси жаннатга қиради”, деганларида, улар: “Бош тортганлар ким?” деб сўрашди. Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ким менга итоат қилса, у жаннатга қиради. Ким менга итоат қилмаса, у бош тортгандир”, дедилар (*Бухорий*).

Ҳориса ибн Ваҳбдан, розийаллоҳу анҳу: Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, саҳобаларга дедилар: “Сизларга дўзах аҳлларининг хабарини берайми?” “Ҳа”, дейишди. Айтдилар: “Қўпол, мутакаббир ва ўзини катта олувчилардир. Ҳар бир такаббур, пасткаш ва бахиллардир” (*Муслим*).

Мусулмон одам Аллоҳнинг бандаларига озор беришдан, бахил ва кибри бўлишдан сақланиши керак. Ҳаққа унамаслик, инсонларни камситиш ва уларнинг ҳақларига тажовуз қилиш кибр бўлади. Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор қиладиган ишлардан йироқ бўлайлик. Биз энг енгил азобга ҳам дош беролмаймиз.

Камолитдин ИНОЯТУЛЛОҲ
тайёрлади

Али Вячеслав ПОЛОСИН

АЛЛОҲГА ЭЛТУВЧИ ТЎҒРИ ЙЎЛ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)*



Исо Масихга имон

Насронийлар Исони, алайҳиссалом, нафақат тақводор раввин, пайғамбар, диндор яҳудийларнинг руҳоний халоскори деб, балки осмондан тушиб одамга айланган Худо деб ҳам эътиқод қилишади. Уларнинг бу эътиқодлари Янги Аҳднинг бир неча черковча талқинларига таянади. Бу талқинлар ақида ўлароқ қабул қилинган, уларга шубҳа билан қараганларни диндан чиққан деб ҳисоблашган, қийноқ ва ўлим жазоларига гирифтор этишган. Улар суянадиган талқинлар қуйидагилардир:

Биринчидан, Янги Аҳдда Исо “Худонинг ўғли” деб номланишини ўзларича бундай шарҳлашади: гўё у Ота билан “бир аслдандир”, фитратан Ундан пайдо бўлган ва шунинг учун ҳам у Худодир. Аммо қадимги яҳудий тилида “Худонинг ўғиллари” дегани фаришталар, яъни, руҳоний махлуқлар, деганидир (мас., Иова китоби 38-боб 7-оятда “Худонинг ўғиллари” дунёнинг яратилиш чоғида — ҳали унда Одам яратилмаган эди! — шод-хуррам бўлишгани ёзилган). Бинобарин, бу ерда Худодан эт-бадан билан туғилиш ҳақида ҳеч қанақа гап йўқ. Бу ибора қадим тилнинг кинояларидандир, холос. Худди “Худонинг қўли” деганда “Худонинг куч-қудрати” назарда тутилганидек, бунда ҳам маъно бизнинг тушунчамиздаги “ўғил”ни ифодаламайди. Бунинг устига, Юҳанно Инжилида ҳатто “Худонинг болалари” кимлар экани тўғрисида аниқ таъриф бор — “Худони қабул қилган” ҳамма “Худонинг болалари”, яъни, “Худодан туғилганлар” деб аталади:

“А тем, которые приняли Бога, верующим во имя Его, дал власть быт чадами Божиими, которые ни от крови, ни от хотения плоти, ни от хотения мужа, но от Бога родились” (Ин. 1: 12—13).

Шундай қилиб, ким Худонинг амрини бажарса, Унга итоат қилса, яъни, “муслим”^{*} бўлса, ҳаммаси “Худонинг болалари” ва Исонинг, алайҳиссалом, “қариндошлари” бўлиб қолаверади: **“...кто будет исполнять волю**

Отца моего небесного, тот мне брат, и сестра, и мать” (Мф. 12: 50); **“мать моя и братья мои суть слушающие слово Божие и исполняющие его”** (Лк. 8: 20—21). Худого “фарзандлик”ни Исо Масихнинг ўзи мана қандай тунтирипти!

Қолаверса, Янги Аҳднинг ўзида бот-бот такрорланадики, Исони пайғамбар қилиб юборишдан кўзланган мақсад ҳамма одамларни “Худонинг ўғиллари” қилиш ва “Худонинг ўғли қилиб тутинтириш”га эришишдир. Эфесликларга Мактубда бундай дейилади:

“Благословен Бог и Отец господа нашего Иисуса Христа, благословивший нас во Христе всяким духовным благословением в Небесах, так как Он избрал нас в нем прежде создания мира <...> предопределив усыновить нас Себе чрез Иисуса Христа, по благоволению воли Своей” (Эф. 1: 3—5).

Бу айтилганлар ҳамма одамлар Яратувчи билан айнан бир асдан эканига далолат қилади, деб ўйлаш ақлсизлик бўлар эди! Демак, ҳатто Янги Аҳднинг ўзгартирилган матни ҳам “Худодан туғилган” деган сўзлар бошқа нарсани ифодалашини, улар гўё боланинг отага қулоқ солиши ва отанинг амрига итоат этиши ҳодисасига ўхшаш кўчма маънода қўлланганини кўрсатиб турибди. Шунинг учун Янги Аҳдда Исога тааллуқан айтилган “Худонинг ўғли ва инсоннинг ўғли” деган ибора Худони ўзига руҳоний Ота деб тан олишни, ўзини Худога топширишни (таслим этишни) билдиради. Бошқача айтганда, қаршимиздаги одам инсоний танали руҳан фариштадир. Аммо фаришта Худо эмас, у ҳам худди инсондек, Худо яратган мавжудотдир. Исо, алайҳиссалом, фаришталардек тоза ва тақводор қалб эгаси эканига мусулмонлар гумон қилишмайди. Исо Иброҳим ва Мусодан, алайҳимуссалом, кейинги улулазм пайғамбарлардандир. У ҳам худди аввалгилардек

* Али Вячеслав ПОЛОСИН. «Прямой путь к Богу». Научно-издательский центр «Ладомир», Москва, 2000 г.

* Муслим — арабча сўз бўлиб, истилоҳда “ўзини Аллоҳга топширган” (тўла таслим қилган) маъносидандир. (Муаллиф изоҳи.)

ўзини буткул Худога топширган, яъни, арабча айтганда, муслим бўлган эди. У кўрсатган ўрнакка ҳамма одамлар, ер юзидаги барча халқлар эргашиши керак. Зотан, Муҳаммад, алайҳиссалом, шунга даъват қилганлар.

Ўрни келганда айтиш керак, қадимги юнонча нусхаларда “Худонинг ўғли” (“Сын Божий”) ва “инсоннинг ўғли” (“сын человеческий”) бирикмалари катта ҳарфлар билан бошланмаган эди, уларни ўрта асрларда одамлар бош ҳарф қилиб ўзгартириб қўйишган. Афтидан, у одамлар ўзларини ўша матнларнинг муаллифлари бўлмиш ҳаворийлардан ҳам устун қўйишган, шекилли, бемалол ҳарфларини ўзгартиришга ўзларини ҳақли ҳисоблашган. Ҳолбуки, ўзлари бу матнларни “Ваҳий” деб аташади! Ахир, кичик ҳарф бош ҳарфга айланса, матннинг маънавий мазмуни буткул ўзгариб кетиши аниқ-ку! Масалан, “Нур” сўзи бош ҳарф билан ёзилганида оддий бир нур ҳақида эмас, балки Аллоҳнинг бир сифатига тааллуқли бўлиб қолади. Шу тахлит, Исони, алайҳиссалом, “Худонинг ўғли” деб номлаш бу одамни Худо билан аслда бир дейишга ҳеч қанақасига асос бўла олмайди. Ўрта асрларда “ўғил” сўзини бош ҳарф билан ёза бошлаганлар ҳам буни жуда яхши билишарди, шунинг учун матнни бемалол бузиб юбораверишган кўринади.

У асрдан бошлаб, Исони “худо” деб эълон қилган насронийлар Янги Аҳднинг Исо “дунё бино этилмасидан бурун туғилган”и айтилган жойларига суянишади. Юқорида келтирилган эфесликларга Мактубнинг (1: 3—5) парчаси уларнинг бу далилларини инкор этади: жами одамизод “ҳали дунё яралмасидан олдин” “ўғил тутиниш”га танланган ва бу нарса аввалдан ҳал этиб қўйилган эди!


Иккинчидан, Исонинг “Я и Отец — одно” (Ин. 10:30) деган сўзини ҳужжат қилиб келтиришади. Аммо матн маъносидан билинадикки, гап фақат мақсад бирлиги ҳақида бораётир, фитрат бирлиги ҳақида эмас ва ҳатто битта хоҳиш-ирода ҳақида эмас, балки Исо ўзининг хоҳиш-иродасини Худонинг иродасига ихтиёрий ва тўла таслим этгани ҳақида бораётир. Ибодат чоғи Исо, алайҳиссалом, жумладан бундай дейди: “Да будет всё едино, как Ты, Отче, во мне, и я в Тебе, так и они да будет в нас едино” (Ин. 17:21). Бу сўзлар ҳамма ҳаворийларнинг ва ҳатто ҳамма мўминларнинг мустақил мавжудликдан чиқиб, битта одамга битта субъектга айланиб қоладиган даражадаги бирлашиб қолишларини билдирмайди-ку ахир!

Исо дейди: “...верующий в меня не в меня верует, но в Пославшего меня” (Ин. 12:44). Янги Аҳднинг бошидан бошлаб то охиригача Ота Худо Исони одамларни қутқариш учун юбораётгани айтилади. Шундай экан, Юборувчи билан Унинг амрини бажарувчи элчи қандай қилиб бир мавжудот бўла олади? Агар Худо Исога “илтифот кўрсатган” бўлса, демак уларнинг хоҳиш-иродалари ҳар хил. Исонинг ўзи, алайҳиссалом, дейди: “...не ишу моеи воли, но воли пославшего меня Отца” (Ин. 5:30); Гефсиман боғида эса Худога бундай илтижо (ибодат) қилади: “...Отче! О, если бы Ты благоволил пронести чашу сию мимо меня! Впрочем, не моя воля, но Твоя да будет” (Лк. 22:42). Ва ниҳоят, Исонинг, Инжилга кўра охириги сўзлари бўлмиш ушбу: “Боже мой, Боже мой! Для чего ты меня оставил?” (Мф. 27:46) билан: “Отче! В руки твои предаю дух мой” (Лк. 23:46) деган сўзлар Исо билан ягона Ягона Худо бир мавжудот бўла олмасликларига ёрқин ҳужжатлардир. (Қизиқ мувофиқлик: бу ерда келган “предаю” сўзи арабчада айнан “ислом” маъносини ифодалайди.) Наҳотки, Исонинг: “...иду к Отцу; ибо Отец более меня” (Ин. 14:28), деган сўзларидан кимдир Худода турли даражадаги қудратлар мавжуд деган хулоса чиқарса?!

Ҳаворий Павел Исонинг, алайҳиссалом, Ягона Холиққа тобелигини аниқ-равшан ифодалаб қўйган: “...всякому мужу глава — Христос, жене глава — муж, а Христу глава — Бог” (1. Кор. 11:3); “Когда же всё покорится Ему, тогда и сам сын покорится Покорившему всё Ему, да будет Бог всё во всем” (1. Кор. 15:28).

Ўрта асрлар черковининг аёнлари ўз ақидаларига қадимги матнлардан таянч тополмагач, инжиллар ҳамда ҳаворийларнинг мактублари ёзилган вақтдан 400 йил кейин “уч ипостасда жам бўлган ягона Худо” (“Худонинг уч ипостасда жам бўлган ягона мавжудлиги”) ҳақидаги мутлақо янги таълимотни ўйлаб топишди! Юнончада “ипостасис” сўзи, биринчидан, мавжудот дегани бўлса, иккинчидан, “шахс” деб таржима қилиш ҳам мумкин. Аммо муҳими бу атамалар мавҳумдир, уларни “моҳият” ва “шахс”ларга фақат одам англаш қулай бўлсин учун ақлда шакллантирилиб олинган моделда ажратилиши мумкин. Реал ҳолатда эса, ҳеч қанақа “шахс” ўзининг “вужуди”дан ва ўзининг “моҳияти”дан айри мавжуд бўла олмайди.

Бу каби мавҳумотлар билан сўз ўйинлари қилиш қадимги юнон софистларига хос ҳислатдир. Мана, бир қиёс. Софистларнинг маш-



хур бир парадокс бўларди, унда: “Денгизнинг сувини ичиб тугатса бўладими?” деган саволга: “Ҳа, бўлади, фақат бунинг учун аввал денгиз сувидан унга қуйиладиган барча дарёларнинг сувини ажратиш керак”, деган жавоб қилинарди. Худди шунингдек, Худонинг “моҳияти”

деган тушунчада, ундан инсон ақли билан Худонинг “шаҳси” деган тушунча сунъий равишда ажратиб олинса, қанақадир пучлик ва ҳаракатсизлик ҳосил бўлади, қудрат буткул йўқолади.

Бу хос юнонча софизмнинг табиатини англаб олиш учун оддий ва ҳаммага тушунарли “субъект” (“муस्ताқил ҳаракат қиладиган мавжудот”) атамасидан фойдаланиш керак. Ягона Худога имон деганда битта ҳаракат субьектига имонни тушунилади ва бу ғоят аҳамиятли масалада яҳудийлар билан мусулмонларнинг қарашлари ўзаро мувофиқдир. Яккахудочи яҳудийлар яратган Янги Аҳдда Ота Худо, Исо ва муқаддас руҳ муस्ताқил ҳаракатланадиган учта бошқа-бошқа субьектлардир, бунда Исо, алайҳиссалом, билан руҳ Ягона Худонинг амрларини доимо ва итоаткорона бажариб келади! Мажусий худоларнинг ердаги ўринбосари вазифасини ўташга ўрганиб қолган руҳонийлар худди шу боисдан ҳам иримчи-саводсиз оломон кўзида ўзларининг “худодам”лик мақомларини сақлаб қолиш учун одатий бир формула ўйлаб топмоқчи бўлишди. Шу мақсадда IV — V асрларда улар яҳудийча-насронийча яккахудодликни иккиюзли, учюзли, мингюзли ва яна неча юзли худолар ҳақидаги ўзлари кўникиб қолган тасаввурларга мослаб “тузатиб” қўйишди — бошқа-бошқа ҳаракат субьектлари кўпюзли битта субьектга жамланди, яъни, Худога бир неча (бининг ҳодисада учта) юз берилди.

Худоларнинг кўп юзлилиги ёки, бошқача айтганда, “кўпипостасли”лиги барча эски динларда одатий ҳол бўлган. Мавзуимизга алоқадор ҳолатда эса, “Худонинг ўғли” билан “руҳ”ни Худонинг Ўзи билан бир деб

эълон этиш, яъни, у иккаласини Ягона Худога “шерик” қилиш лозим эди.

Шундай қилсаларгина, “дин” ходимлари ўзларини осонгина “Худонинг ўғли”нинг давомчилари ва унинг руҳини ташувчилар деб эълон қила олар эдилар. Насроний атамашунослигининг фикрига кўра, руҳонийлар ўзларига ўзлари “Черков”, “худодам” деб номлар қўйиб олишди. Шу тариқа “Ягона Худонинг учта ипостаси” тўғрисидаги таълимот туғилди. Черков «Масих»дир — «Худо эти»дир деган тасаввур шаклланди, “Масих этидан таомланиш” (причащение) эса, ортодоксал насронийликнинг асосий ва мутлақо мажбурий маросимига айланди.

Айтиш керак, ҳамма бу фалсафий ва софистларча найранглар олдида ҳаворий Павелнинг мана бу сўзлари жуда содда ва лўнда жаранглайди: “...един Бог, един и посредник, между Богом и человеками, человек Христос Иисус...” (1. Тим. 2:5). Бу ерда “посредник” (воситачи) деб Худонинг элчиси, яъни, Парвардигорнинг тўғридан-тўғри унга йўналган амрларини бажарувчи шахс назарда тутилган.

«Исо Худонинг бир юзи» деган таълимотни ҳар ҳолда тушунтирса бўлар балки, аммо муқаддас руҳ ипостасига «юз» мақоми берилишини ҳеч ҳам тушунтириб бўлмайди, чунки черковнинг ўзининг таълимотига кўра, муқаддас руҳ мутлақо этсиз-бадансиздир ва кўзга ташланадиган шахсият сифатида эмас, балки кўпроқ энергия, Худонинг кучи сифатида ҳаракат қилади.

Мўминнинг бошида бунақа мушкулот йўқ, чунки мўмин Ягона Худога ҳеч бир нарса ё кимсани шерик қилмайди ва муқаддас руҳни илоҳлаштирмайди: у учун муस्ताқил ҳаракат қиладиган руҳ Ягона Худога итоат қилгувчи фариштадир. Куч-қудрат эса ёлғиз Худодандир.


Исонинг, алайҳиссалом, ўзи ҳам қилаётган ишлари Ягона Худога монанд эканини, Ягона Худо нимани етказишни хоҳласа, ўшаларни итоатгўйлик билан адо этадиган бир элчи эканини доимо таъкидлаб келган: “Сын ничего не может творить сам от себя, если не увидит Отца творящего: ибо, что творит Он, то и сын творит так же. Ибо Отец любит сына и показывает ему все, что творит” (Ин. 5:19—20).

(Охири келгуси сонда)

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

таржимаси

СОАТЛАР СЕКИН ЮРСА ҲАМ, ВАҚТ ТЕЗ ЎТАДИ



Инсонларни кузатган киши кўп одамларнинг вақтни ғанимат билиш неъматидан маҳрум эканига гувоҳ бўлади.

Кун ўтказиб хурсанд бўлаётган бу инсонларнинг ҳолига ажаб. Улар ўтаётган ҳар бир лаҳза инсонни дунёдан узоқлаштириб, қабр ва охират сари яқинлаштираётганини наҳот англамасалар?! Аслида, ҳар бир кун умр деб аталмиш қасрнинг бир гишти эмасми?!

Модомики қимматли вақтлар қайтарилмас ва лаҳзада ўтиб кетадиган бебаҳо бойлик экан, мўмин киши ундан қандай фойдаланишни ҳам яхши билмоғи лозим.

Вақтнинг қиймати ва муҳимлиги

Агар инсон бирор нарса-нинг қиймати ва муҳимлигини билса, шу нарсага қаттиқ эътибор беради ва уни беҳуда йўқотмайди. Бу нарса ўз-ўзидан маълум. Ибн Қаййум ёзади: “Инсоннинг вақти ҳақиқатда унинг умридир. Вақт булутдек ўтиб кетади. Кимнинг вақти Аллоҳ учун ва Аллоҳ билан бўлса, бас, вақт у кишининг ҳаёти ва умридир. Бундан бошқалари инсоннинг ҳаётидан ҳисобланмайди. Инсон замон ва вақтнинг қадри-ни билиши, бирор лаҳзасини ҳам беҳуда ўтказмаслиги ва шу вақт энг афзал сўзу амалларни бажариши лозим. Унинг нияти мудом яхшилиқка қоим

бўлиши ва бажариладиган амалларда сусткашлик қилмаслиги керак”.

Дарҳақиқат, Куръон ва суннат вақтга турли томонлардан эътибор берган. Аллоҳ таоло бир неча сураларнинг бошларида тун, кундуз, тонг, чошгоҳ ва аср вақти каби куннинг бўлақлари билан қасам ичади.

“**(Борлиқни ўз зулмати билан) ўраб келаётган кечага қасам. Ёришиб кўринган кундузга қасам**” (*Вал-лайл, 1-2, мазмуни*).

“**Тонгга қасам.** (Зулҳижжа ойидаги аввалги) **ўн кечага қасам**” (*Фажр, 1-2, мазмуни*).

“**Чошгоҳ вақтига қасам.** (Ўз зулмати билан чор-атрофни) **қоплаб ўраб олган кечага қасам**” (*Зуҳо, 1-2, мазмуни*).

“**Аср (вақти)га қасамки,** (Барча) **инсон зиён-бахтсизликдадир**” (*Аср, 1-2, мазмуни*).

Маълумки, агар Аллоҳ таоло бирор-бир нарса билан қасам ичса, айна нарсанинг муҳим ва улуғ эканига далолат қилади.

Муоз ибн Жабалдан, розийаллоҳу анҳу, ривоятда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, дедилар:

“Қиёмат куни то тўрт хислат ҳақида сўралмагунча банданинг қадами силжимайди:

- умрини қандай ўтказгани ҳақида;
- ёшлигидан қандай фойдалангани ҳақида;
- молини қаердан топиб,

қаерга сарф қилгани тўғрисида;

— билган нарсасига амал қилгани тўғрисида” (*Термизий ривояти*).

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, баъзи ҳадиси шарифларида хабар бериб ўтадиларки, вақт Аллоҳнинг бандаларига берган неъматларидан биридир. Банда бу неъматнинг шукрини адо қилмоғи лозим, акс ҳолда, ушбу неъмат ундан олиб қўйилади ва ўтиб кетади. Вақт неъматининг шукри эса уни тоат-ибодат ва солиҳ амалларда ўтказиш билан бўлади.

“Икки неъмат борки, кўпчилик улардан (фойдаланишдан) маҳрумдирлар, (улар) соғлик ва бўш вақтдир”.

Ҳадиснинг асл матнида “мағбун” калимаси ишлатилган. Бу калима “савдода алданиб, қимматбаҳо матосини арзон-гаровга сотиб юборган” деган маънони англатади. Чиндан ҳам кўп инсонлар наздида энг қимматбаҳо бойлик бўлган вақт энг арзон нарсага айланиб қолган.

Нажмиддин МИРМАҲМУД
таржимаси

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Халқаро анжуман олдидан

Баҳрайн молия ва миллий иқтисодиёт вазирлиги Ислом иқтисодиёти ва молия масалаларига доир Бешинчи халқаро анжуманни ўтказадиган бўлди. Анжуман молия ва миллий иқтисодиёт вазирлиги Абдулла Саиф раислигида ўтади. Баҳрайн университети, Исломий банк тараққиёти, исломий таълим-тадқиқот институти, Буюк Британия халқаро Ислом иқтисодиёти уюшмаси анжуманнинг ташкилотчиларидир.

Анжуманда дунёнинг барча минтақаларидан ташриф буюрган иқтисодчи-тадқиқотчилар, академиклар, банк ва тижорат соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларнинг мингдан ортиқ маърузалари ўқиб эшиттирилади. Ислом давлатларида иқтисодий тараққиёт муаммолари анжуманнинг бош мавзуи бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари анжуман иштирокчилари мусулмон давлатларида молиявий заҳиралар тақчиллиги, яхши ривожланмаган инфратузилма, ишсизлик каби муаммоларни ҳам муҳокама этадилар.

Ар-Риёзда мусулмон бўлганлар



Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёз шаҳрида 1983 йилдан буён йигирма беш минг киши Ислом динини қабул қилган. Булар, албатта, туб аҳоли вакиллари бўлмай, мамлакатга турли давлатлардан келган кишилардир. IINA хабарида таъкидланишича, мамлакатдаги исломий даъват ишлари билан шуғулланадиган турли ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шундай натижага эришилди.

Агентлик хабарига кўра, Ислом динини қабул қилганларга мусулмон фикҳи ва ақида асосла-

рини ўргатиш бўйича махсус курслар ташкил этилган. Бундан ташқари, улар кенгроқ исломий билимга эга бўлишлари учун керакли барча адабиётлар, шунингдек, Қуръони карим билан ҳам таъминланадилар.

Британияда чўчқа гўштига тақиқ

Британияда озик-овқат назоратчилари товуқ гўшти етказиб берувчи кўпгина Оврўпа кампанияларига эътироз билдирди. Бунинг сабаби шуки, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларига чўчқа гўшти кўшиб юборишаётгани маълум бўлди.

Назоратчилар эътиқодига кўра, тўнғиз гўштини истеъмол қилмайдиганларга бундай маҳсулотларни харид қилмасликни тавсия этадилар.

Аниқланишича, Британия истеъмол бозорига келаётган йигирма беш хил товуқ гўшти маҳсулотларидан ўн икки турига чўчқа гўшти аралашган. Ачинарлиси шуки, бу ўн икки хил маҳсулотнинг ўн биттасига “ҳалол” деган тамға урилган, деб хабар беради “Islom online. net” агентлиги.

“Бунинг хавотирланарли жойи шуки, ишлаб чиқарувчилар мусулмон жамоаси бу маҳсулотларнинг нопоклигини билмай истеъмол қилаётганига нисбатан эътиборсиз қарамоқдалар”, дейди назорат вакили Дэвид Стэтем. Яна назоратчилар бундай маҳсулотларни мамлакатга киритмаслик учун ҳамма чораларни қўллашни ваъда қилишди. Ўз навбатида, улар товуқ гўшти етказиб берувчи кампанияларни, ўрнатилган меъёрларни бузганлари учун судга беришни ҳам режалаштиришган. Эндиликда истеъмолчиларнинг алданишларига сабаб бўлаётган “ҳалол” ёзуви ишончсиз экани ҳақида мусулмонлар жамоаси расман хабардор қилинади.

Ислом ахборот-технология маркази

Индонезиянинг “Мусулмонлар ахборот-технология бирлашмаси” (MIFTA) янги исломий ўқув марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, MIFTA “Илм-фан, технологиялар ва мутахассислар заҳираси тараққиёти муаммолари бўйича халқаро Ислом анжумани” (IIFTIHAR) билан ўтган йили бошланган ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни режалаштирди. MIFTAнинг Бош котиби Жажи Трихаржининг

“Халқаро Ислом янгиликлар маркази”га берган баёнотида кўра, бирлашма замонавий ахборот маркази ташкил этиш ишларини якунлади. Марказ ходимлари ERAMUSLIM.com сайти, шунингдек, “Замонавий ахборот-технология бўйича ахборот маркази” (VITCOS) мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Лойиҳанинг асосий мақсади Индонезия мусулмонлари орасида компютер саводхонлигини оширишдан иборат.

Ҳозирча MIFTA аъзолари жисмоний шахслар, кампаниялар ва институт ходимларидан ташкил топган. Бирлашманинг хорижда, аниқроғи, Сингапур, Малайзия, Япония ва Брунейда ваколатхоналари бор.

Ёшлар тарбиясида ҳожилар

Қозоғистоннинг Оқтепа вилоятидан ҳаж ибодатини адо этган ҳожилар мамлакатда ёшлар тарбиясига кўпроқ ҳисса қўшадиган бўлишди. “Тахминларга кўра, — дейди қозоқ ахборот маркази мухбири — мактабларда ҳожилар дарс ўтишлари учун махсус соатлар ажратилади”.

Ҳожиларни ҳаждан кутиб олган Оқтепа вилояти ҳокими вакили Марат Тагимов томонидан шундай таклиф киритилган. Ҳожилар билан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда улар раҳбариятга тасбеҳлар, жойнамозлар ва Зам-зам суви ҳадя қилишди.

Учрашувда раҳбарият вакиллари ёшлар тарбияси билан ҳожиларимиз кўпроқ шуғулланишлари керак экан, деган хулосага келишди ва уларга катта ишонч билдиришди. Ҳожилар ўзлари намуна бўлиб, ёшларни тўғри йўлга бошлашлари, уларни тўғрисиёз ва интизомли қилиб тарбиялашлари зарурлиги уқтирилди.

Шветсия мусулмонлари

Бугунги Шветсия қонунчилиги мусулмонлар жамоасига улар танлаган жойда масжид қуриш учун рухсат беради. Бунинг учун тегишли ер майдонини сотиб олиш ва маҳаллий маъмуриятдан масжид қуришга рухсат кифоя.

Шветсия ҳукумати мамлакатда кўпмаданиятли миллий сиёсатни ўрнатиш мақсадида масжидлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратади.

Масжидлар фаолиятдан тушган маблағлар, хайр-эҳсонлар ҳам фақат мусулмон жамоалари эҳтиёжларига сарфланади, деб хабар беради IINA мухбири.

Аммо кўп мусулмонлар фақат ҳайит кунлари ёки муборак Рамазон ойидагина масжидларга ке-

лишади. Этник асосда келиб чиқадиган баъзи ихтилофлар, шунингдек, имом-хатибларга мукамал диний таълим беришдаги қийинчиликлар Шветсия мусулмонлари олдида турган долзарб муаммолардир.

Афсуски, Шветсия масжидлари ҳалигача Ислом дини ҳақидаги ҳақиқий билимларни ўқитиш ва кенг ёйишнинг умумий тўғри йўналишини ишлаб чиқа олмаяптилар. Шунга қарамай, швед халқи орасида Ислом динига қизиқиш тобора кучаймоқда, — деб хабар беради IINA мухбири. — Ислом динини қабул қилувчилар кўпаймоқда.

Доктор Али Жуманинг айтганлари



Ал-Азҳар университети Ислом фикҳи устози муфтий, доктор Али Жума мусулмонларнинг ўзаро бирдам ва аҳил-иноқ бўлишлари зарурлиги ҳақида шундай баёнот берди:

“Чинакам мусулмонга таъриф берар экан, Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унинг ақл билан узоқни кўра олувчи, фаҳмфаросати ўткир бўлиши лозимлигини жуда кўп марта уқтирганлар. Ибн Ҳиббон ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, ҳақиқий мўминнинг ат-

рофда бўлаётган воқеалардан ўзига тўла ҳисобот бериб бориши, ўзи учун энг фойдали ечимни тўғри топа олиши зарурлигини таъкидлаганлар.

Мазкур ҳадисларга асосланиб, хулоса қиламизки, мўминлар ҳар қандай шароитда бирдам бўлишлари, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари керак. Бутун Ислом умматига келаётган хавф олдида мусулмонлар ҳар хил йўналишларга берилмасдан, асло ихтилофга бормасдан, ҳар доим бир жону бир тан бўлиб яшашлари, курашмоқлари лозим.

Мусулмонлар ҳар доим ўзларини амалда фазилатли инсонлар сифатида кўрсата олишлари, турли келишмовчиликларни бартараф этиб, олий мақсад ва ягона асосга таянишлари зарур.

Айни чоқда улар ҳар қандай фитнанинг олдини олиш учун Исломнинг тўғри йўлидан хато қилиб, чалғиб қолганларга нисбатан сабрли бўлишлари керак».

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизларнинг энг яхшиларингиз Куръонни ўрганиб, ўргатадиганларингиздир”, деб марҳамат қилганлар. Зеро, Каломуллоҳ оятларини тўғри ўқиган, тўғри тушунган ва амал қилганлар дунё ва охираатда улғу саодатга эришадилар.

Алҳамдулиллаҳ, кейинги йилларда халқимизнинг Куръони каримни ўрганишга иштиёқи, тажвид қоидаларини ўзлаштиришга саъй-ҳаракати кучаймоқда. Тажвид китоблари қайта-қайта нашр этилаётир.

Шу боисдан “Ҳидоят”нинг “Дарсхона” рукнида “Тажвиддан синов” машғулотлари ўтказишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бу машғулотлар Куръонни ўқиш қоидаларини ўрганаётганлар учун ўзига хос такрорлаш дарси бўлади, деган умиддамиз. Саволларга тўғри жавоб йўллаганлар «Ҳидоятнинг келгуси сонларида эълон этиб борилади.

ТАЖВИДДАН СИНОВ

1. Куръони карим диёримизда қайси қорининг кироатига риоя этиб ўқилади?

- A) Абдуллоҳ ибн Касир ал-Маккий.
- B) Абдуллоҳ ибн Омир ад-Дамашқий.
- C) Абу Амр ибн Ало ал-Басрий.
- D) Осим ибн Абиннужуд ал-Куфий.
- E) Нофеъ ибн Абдурахмон ал-Исбаҳоний.

2. “Тажвид” сўзининг луғавий маъноси нима?

- A) Маълум қоидаларни ёдлаш.
- B) Шошилмай ўқиш.
- C) Ишни сифатли бажариш.
- D) Сўзни оҳанг билан айтиш.
- E) Буйруқни ижро этиш.

3. “Тажвид” сўзининг олимлар, қорилар наздларидаги таърифи қандай?

- A) Ҳарфларни шошмасдан талаффуз этиш.
- B) Куръонни чиройли, баланд овозда ўқиш.
- C) Товушни чўзиб, овозни қалтиратиб ўқиш.
- D) Маълум қоидалар асосида ҳар бир ҳарф-товуш ҳаққини адо этиш.
- E) Эшитувчиларни ҳайратга солишдек гўзал оҳанг билан ўқиш.

4. Куръони каримда нечта ҳарф бор?

- A) 30 та.
- B) 29 та.
- C) 28 та ва ҳамза (ء) белгиси.
- D) 26 та ва 4 та белги.
- E) B ва C.

5. Истеъло ҳарфлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) ل خ س ر ك ف
- B) ز ق ط ب د ذ
- C) ا ج م و ه ث
- D) ظ ض ق غ ط ص
- E) Тўғри жавоб йўқ.

6) Истеъло ҳарфларидан тўрттаси, истефола ҳарфларидан тўрттаси ўрин олган қатор қайси?

- A) ن و ی غ ض ر ظ د
- B) غ ل ح ه ب ت ن ظ
- C) س ق ز ج ص غ م خ
- D) A ва B.
- C) Тўғри жавоб йўқ.

7. Истеъло ҳарфлари баъзи ўринларда истефола ҳарфларига айлана оладими?

- A) Албатта, айлана олади.
- B) Зарурат туғилганида айланади.
- C) Қорининг ихтиёрига ҳавола.
- D) Ҳеч қачон айланмайди.
- E) Маккий суралардагина мумкин.

8. Истефола ҳарфларининг сони аниқ кўрсатилган қаторни топинг?

- A) 22 та.
- B) 21 та.
- C) 20 та.
- D) 19 та.
- E) 18 та.

9. Қайси қатордагилар ҳарфлар устига кўйиладиган ҳаракатлар туркумига киради?

- A) Фатҳа, касра, замма ва сукун.
- B) Сукун, ташдид ва танвинлар.
- C) Танвинлар, сукун, касра, замма ва фатҳа.
- D) Фатҳа, касра, замма ва танвинлар.
- E) Замма ва васлиялик белгиси.

10. Сукунли нун ва танвинда нечта қоида бор?

- A) 6 та.
- B) 4 та.
- C) 5 та.
- D) 7 та.
- E) Тўғри жавоб йўқ.

(Давоми келгуси сонда)

Акмал АВАЗ тўзди

Бир саволим бор

Қуръон хатм қилинган, қорилар Оятул курсийни, Бақара сурасининг охириги оятларини ва бошқа оятларни қайта ўқишади. Бунинг шаръий асоси борми?

Темир ОЛЛОҚУЛИЕВ,
Беруний

Жавоб: Бундай қилишга шаръий асос йўқ. Аксинча, “Итқон” китобида бундай қилиш одобсизлик дейилган.

Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳазрати Биллолни, розийаллоҳу анҳу, Қуръони карим оятларини териб ўқишдан қайтарганлар (Абу Довуд). “Нафъул муфтий” китобида бу одат макруҳ дейилган.

Гийбат қилиш гуноҳи намозни тарк қилиш гуноҳидан оғир деб эшитдим. Шу тўғрими?

Зафар ДЕҲҚОНОВ,
Шўрчи

Жавоб: Тўғри. Гийбат қилиш гуноҳи намозни тарк қилиш гуноҳидан оғирдир. Гийбатчи икки ҳақни — Аллоҳ таолонинг ва банданинг ҳаққини поймол қилади. Намозни тарк қилишда эса фақат бир ҳақ — Аллоҳ таолонинг ҳаққи паймол бўлади. Ваҳибул Маккий шундай деганлар: “Гийбат қилмаслигим мен учун дунё ва ундаги бор нарсдан суюқлидир”.

Ассолому алайкум, таҳририят ходимлари! Қуръон оятларини ёд олишга, маъноларини англашга оид ушбу саволларга жавоб берсангиз.

Усмон Абдулазиз,
Избоскан

1. Ҳофиз Қуръон ва ҳомили Қуръон ўртасида қандай фарқ бор?

Жавоб: Халқ орасида “Қуръонни ёдлаган” ва “Қуръонни кўтарган” иборалари бир хил, яъни, “Қуръонни китобга қарамасдан ёддан ўқий олади”, деган маънода қўлланади. Аммо ҳадис истилоҳида ва

салафи солиҳинлар сўзларида ёдлаган (ҳофиз) билан кўтарган (ҳомил) ўртасида катта фарқ бор. Улар ҳофиз деб Қуръон оятларини ёддан ўқигувчини айтсалар, ҳомил деб Қуръонни ёддан ўқиш билан бирга, маъноларини тушуниб, уни ҳаётига татбиқ этган, унга амал қилган кишини назарда тутадилар.

2. Қуръон оятлари маъносини билмасдан ёдласа бўладими?

Жавоб: Бўлади. Чунки ёдлашга киришаётганлар кўпинча ёш болалар бўлиб, уларга оят маъноларини англатиш анча мушкул. Бироқ



Чақирилган жойда гийбат қилинадиган бўлса, у ерга борса бўладими?

Шухрат КАРИМБЕРГАНОВ,
Шовот

Жавоб: Чақирилган жойда гийбат бўлиши аниқ бўлса, у ерга бориш жоиз эмас («Раддул Мухтор»). Агар билмай бориб қолган бўлса ва гийбат бошланса, қўлидан келса, уни тўхтатсин, агар тўхтатиш қўлидан келмаса, у ердан чиқиб кета олса, чиқиб кетсин, бўлмаса, унга қулоқ солмай ўтирсин. (“Нафъул Муфтий”).

Уста ОЛИМ
тайёрлади

Қуръон тажвидини мукамал ўргатмоқ лозим. Чунки тажвидсиз Қуръон ўқиш гуноҳ. Бундан ташқари, арабча талаффузга ёшликда тилни яхши ўргатиб олиш керак. Ёш улғайгач, ҳар қанча уринса ҳам, ҳарфларни махражидан чиқариш қийин бўлади.

Қуръон ёдлатувчи устоз талабаларга илм ўрганиш фарз амал эканини, Қуръон маъноларини билиб, ҳаётда унга амал қилиш зарурлигини тинимсиз уқтириб бормоғи лозим.

Интернет саҳифаларидан
тайёрлади

2003 йили Хожа Абдул Холиқ Ғиждувоний таваллудига 900 йил тўлади. Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи мумтоз шогирди, “Хожагон-нақшбандийа” тариқати асосчиси Хожа Абдул Холиқ Ғиждувоний қимматбахо асарлар ёзиб қолдирганлар. Қуйида аллома-нинг мутасаввиф олим, пири муриши Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳаёти ҳақидаги рисоласидан парчалар ҳавола этмоқдамиз.

Хожа Абдул Холиқ ҒИЖДУВОНИЙ

ШАЙХ ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ

Ҳазрати Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳижрий 440 (1048) йил Ҳамадон шаҳрида таваллуд топганлар. Ҳижрий 535 (1141) йилда ҳаётдан кўз юмдилар. Алар ўттиз олти марта ҳаж фаризасини адо этганлар, ўн минг марта хатми Куръон қилганлар, икки юз ўн уч нафар улуг шайхлар суҳбатига бўлганлар. Кўп вақт кундузлари рўза тутардилар, кечаларни тоат-ибодат қилиб ўтказардилар. Саккиз юз бутпарастни дини мубин Исломга мушарраф айлаганлар. Алардан таълим олиб, Ҳақ йўлига тушганлар сонини ҳеч ким билмас эди.

Аларнинг бадан ва оёқларида чечакдан қолган дончалари бор эди. Соқоллари ёқимли ва узун, ўзлари озгин ва қотма одам бўлиб, кимни кўрсалар, аввал салом бериб, кўришардилар.

Деҳқончилик ва музадўзлик (пойафзал тикиш) севимли касб-корлари эди. Аллоҳ нима ато этса, ўзида сақламай, гадойларга, бева-бечора, етим-есирларга, камбағаллар ва мусофирларга улашардилар. Ҳеч қачон тамаъ қилмас, доимо қаноат билан яшар эдилар. Пиримиз ҳеч қачон номаҳрам қиз-аёлларга ва болаларга тикилиб қарамас эдилар. Туркийни яхши англасалар-да, бир оз қийналганларидан, ийманиб, гапирмас эдилар. Содда ва оддий кийинар, сафдошларини ҳам шунга даъват қилар эдилар. Халойиқ Шайхни ҳурмат-эҳтиром қиларди.

Алар доимо ўйлаб, ширин табассум ила кулимсираб сўзлар, ҳеч қачон очиқ зикр қилмас, доимо дил зикри билан машғул бўлар эдилар. Байрам кунлари масжидгача халойиқни қутлаб, одамлар билан дилдан суҳбатлашиб борардилар.

Баъзи вақтларда пиримиз ўз юртлари Ҳамадон томонга қараб ўксинар, гоҳ-гоҳ йиглаб олар эдилар. Аллоҳ таолодан ўзларига ўғил фарзанд беришини тилар эдилар. Салмони Форсийдан, розийаллоҳу анҳу, мерос қолган ҳасса ва чарсонни авайлаб сақлар эдилар.

Пиримиз Куръони мажид нусхаларини олиб юришни яхши кўрардилар. Алардан ҳамиша жойнамоз, мисвок, тароқ ва рўмолчалар ари-мас, доимо тоза ва пок юрардилар.

Овқатларини ўзлари тайёрлар, кирчирларини ўзлари ювар, йиртилган либосларини ҳам тикиб Бозордан ҳеч вақт тиб олиб емасдилар. Ҳечларини, кароматларини дирмас, мақтаниб юр-бир мўмин-мусулмон қирса, оғринмай борар, жонидил бажарар эдилар. Ҳисобламас, ҳеч кимни мани тенг кўрар эдилар.

Сафарга чиқсалар, кўпинча туя ва эшак минар, ҳамиша “Калимаи радди куфр”ни ўқиб юрар эдилар.

Алар муттаҳам, ёлғончи, порохўр, худбин, мақтанчоқ, лофчиларни, ноҳақ қон тўкувчиларни, зolimларни бағоят ёмон кўрардилар. Алар қушларга ҳамиша дон сепиб, уларни парвариш этишни яхши кўрардилар. Алар кўпол муомалали кишиларни, ишёқмас, бекорчи, танпарвар худбинларни ёқтирмас, уларни меҳнатга, илм эгаллашга даъват қилар эдилар.

Куръони мажидни ёқимли овозлари билан тиловат қилардилар. Алар дашт-далаларни, саҳроларни кезишни яхши кўрар, тоғларни завқланиб томоша қилар эдилар. Масжид, маҳалла, қишлоқларга бориб, аҳоли билан (турк, араб, тожик) қул, бой-камбағал демай, ҳамма билан қизиқиб, суҳбат қилишни яхши кўрарди-



олар эдилар. тайёр овқат соқачон валийлик-одамларга билмас эдилар. Қайси иши тушиб, чохизматларини ба-Ҳеч кимни ҳақир таҳқирламас, ҳам-

лар, ҳаммага панд-насиҳат қилардилар.

Ёнларида кўпинча майиз, писта, хурмо, ширин кулча бўлар, суҳбатдошларнинг ҳаммаларига битта-биттадан лутф қилиб тақсимлаб берар эдилар.

Алар ҳеч қачон ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан нолимас эдилар. Ҳамма нарсани Худодан деб билар ва ўлим учун доимо тайёр ва омода турардилар. Пиримиз болаларни доимо севиб эркалар ва олқар эдилар. Шайхимиз, одамлар беш гуруҳга бўлинади, дер эдилар: мусулмонлар, кофирлар, гуноҳкорлар, мунофиқлар, кўпхудолилар.

Шайхимиз доим, хотирани авайлаш керак, дея суҳбатдошларини паришонхотир бўлмасликка ундар, акс ҳолда дил пароканда бўлади, деб ҳисоблар эдилар. Ҳар нарсанинг маъно-мақсадини чуқур англаб, сўнгра бажаришга киришинлар, деб насиҳат қилардилар.

Алар ҳамиша яҳудийлар, насронийлар, бутпарастлар жамоаларига борар, уларга Ҳазрати Муҳаммаднинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сифатлари, аъмол ва аҳволлари, чаҳорёрлар, розийаллоҳу анҳум, ҳаётлари ҳақида берилиб ҳикоя қилар, Худодан қўрқиш лозимлиги ҳақида, Аллоҳ таолонинг неъматлари ва меҳрибонлиги тўғрисида шунчалик ҳаяжон билан сўзлардиларки, ўша ғайридинлар охир-оқибатда мусулмон бўлар эдилар.

Доим касалларни зиёрат қилиб, уйларига борар, меҳрибонлик кўрсатар эдилар, ҳожатманд одамларга қарз берар, лекин ўзлари ҳеч кимдан қарз сўрамас эдилар.

Алар бойлардан ва давлатманд кишилардан ўзларини доимо йироқ сақлар, бой ва камбағалнинг (ғарибларнинг) ибратомуз ҳаётларидан ҳикоялар қилар эдилар.

Бемор бўлганларида томирларидан қон олдирар, ўз вақтида даво истеъмол қилар эдилар. Оғирлик ва мушкулотларни сабр-тоқат ва чидам билан ўтказардилар. Улар бирор нарсага улгурмай қолсалар, кейинроқ ўша ишларини албатта анжомига етказардилар, бунинг учун Худодан доим илтижо қилиб, мағфират сўрардилар. Ҳар кечада эртага қиладиган ишларини ўйлаб, режалаб қўяр, эртасига шошилмай ўшал ишларни бажарар эдилар. Кимга ваъда берсалар, албатта вафо қилардилар.



Пиримиз ҳамиша бош оғригидан азобланиб юрардилар. Бир вақт Хожа Ҳамидуддин Мултонийга деганлар: “Ўтмишда шундай азиз авлиёлар яшаб ўтганларки, ўз дардларига ҳамиша бардош берганлар, ҳеч кимга ўз дардларини айтиб шикоят қилмаганлар”.

Шайхнинг вафотлари ҳақида

Ойнинг 28-куни эди. Шайх намозларини адо этдилар. Юзларини меҳроб томонга ўгирдилар ва шогирдларига: “Сув иситинлар!” деб буюрдилар. Сўнгра Хожа

Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва фақир томонга қараб, дедилар: «Биз ўз ўрнимизга Хожа Абдуллоҳ Баррақийни тайинладик. Сизлар уни ҳурмат қилиб, унинг мулозаматида ва хизматида бўлинглар. Ҳар бирингизга ўринбосарлик навбати келганида садоқат ила бажаринлар. Шогирдларингизга зикри дилни ўргатинлар, зикри жаҳрия қилманлар». Сўнгра Шайхимиз Хожа Аҳмад Яссавийга буюрдилар: “Хожа, сураи Фотир, сураи Ёсин ва сураи Ван-Нозиотни ўқисинлар”. Хожа Аҳмад Яссавий сураларни ўқиб битиргач, йиғилганлар йиғлай бошлашди.

Шайхимизнинг муборак юзларида ўзгариш юз берди.

Шайх буюрдилар: “Мени Хожа Абдуллоҳ Баррақий ювсин, Хожа Ҳасан Андоқий тупроққа қўйсин”. Сўзларини тугатишлари билан Хожа Хизр кирдилар, Ҳазрат Илёс, Ғавс ва Қутблар ҳам дохил бўлишди ва Шайхимиз билан видолашишди. Сўнгра Хожа Шайхимизга битта оқ олма бердилар. Шайхимиз олмани бир бор ҳидлаб, Ғавсга узатдилар. Ғавс ҳам олмани ҳидлаб бўлгач, Шайхимиз яна буюрдилар: «Дўстлар, Аллоҳ бандаларига меҳрибон бўлинглар, Ғавсни менинг ёнимга дафн этасизлар».

Шайхимизнинг руҳиёт куши у дунёга парвоз қилди. Сўнгра Ғавс ҳам жонини Ҳаққа топширди. Шундан сўнг Самарқанд аҳолиси тўпланишиб, Шайхнинг васиятларини бажариб, жаноза ўқидилар ва айтган жойларига дафн қилдилар.

Форсийдан
Ориф УСМОН
таржимаси

Тарсус (Визанс билан шимолий Сурия чега-расида жойлашган қадимий ўлка) аҳолисининг байрам кунларидан бири эди. Ёшу қари, эркагу аёл шод-хуррамлик билан байрамни нишонлаш учун кўчага ошиқар эди. Турли-туман бут-санамлар ўрнатилган катта майдон ҳаш-паш дегунча башанг кийинган одамларга тўлиб кетди. Улар алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлинишиб, ўзлари сиғинадиган бутлар атрофига йиғилдилар. Баъзилари бутлардан нажот сўраб, ялиниб-ёлворишга тушса, бошқалари “маъбуд”ларига атаб қурбонликлар сўя бошладилар.

Байрамни қувноқ ўтказаётган бу оломон орасида обрўли ва бадавлат оиладан бўлган бир ўспирин ҳам бор эди. Бир чеккада туриб, юртдошларининг бутларга иззат-икром кўрсатаёт-

эйтиқод бирлаштириб турар эди. Улар борлиққа очиқ кўз ва соғлом ақл билан назар солишар, шу боис қалблари тавҳид нури билан мунаввар эди. Улар дунёнинг ягона яратувчиси мавжудлигини англаб етишган эди. Улар ҳақиқий динга эришганларидан қониқиш пайдо қилган, ҳаловатдан баҳраманд кўнгиллари таскин топиб, ором олар эди.

Дарахт остида улар дунёга муносабатларини, имон-эйтиқодларини бошқалардан яширин, қалбларининг энг тубида сақлашга аҳдлашиб олдилар. Зеро, улар яшаётган мамлакатнинг ҳукмдори ашаддий бутпараст эди ва мушрикларнинг ҳимоячиси эди. Шунинг учун улар динларидан бошқалар хабардор бўлиб қолмасин деб ўз қавмлари каби ҳаёт кечириб юравер-

Муҳаммад Аҳмад ЖОДУ ал-МАВЛО,
Муҳаммад Абул Фазл ИБРОҲИМ,
Али Муҳаммад ал-БАЖОВИЙ,
Ас-Саид ШАҲҲОТА

АСҲОБУЛ КАҲФ ҚИССАСИ

Абдуқаҳҳор ШОШИЙ таржимаси

ганини кузатар экан, унинг кўнглидан, наҳотки инсон қўли билан ясалган ушбу ҳайкаллар илоҳ бўлишса, деган савол кечар эди. Одамлар сиғинаётган бутлар ҳеч қандай илоҳ бўлмай, уларнинг бу тоат-ибодатлари беҳуда эканига у яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Одамларни бундай залолат йўлидан қайтаришга ожиз эканидан изтироб чека бошлади. Ўзини қўярга жой тополмай, ҳеч кимга билдирмасдан, секингина халқ орасидан чиқиб, бир дарахт соясига бориб ўтирди ва ўйга толди. Хаёлидан кечаётган жавобсиз саволлар унга тинчлик бермас, қалбини қийнар эди.

Кўп ўтмай насл-насаби пок оилада вояга етган, бутларга сиғинишни буткул инкор этувчи яна бир дўсти унинг ёнига келиб ўтирди. Шу тариқа дунёқарашлари, эйтиқоди бир бўлган тенгқур ўсмирлар бирин-кетин дарахт остига тўплана бошлаш. Улар етти киши бўлишди. Суҳбат асносида уларнинг руҳлари бир булоқдан баҳра олаётгани билиниб турар эди. Бир-бирларига қавм-қариндош бўлишмаса-да, уларни соф

дилар, аммо ёлғиз қолганларида Аллоҳга юзланиб ибодат қилар, Уни улуғлар эдилар.

Яширинча учрашадиган тунларнинг бирида улардан бири эҳтиёткорлик билан пичирлаб:

— Биродарларим, кеча мен шумхабар эшитиб қолдим. Уни менга етказган одамнинг ростгўйлигига шубҳа йўқ. Бизнинг эйтиқодимиз, динимиз ва ҳаётимизга хавф-хатар туғилган эмиш. Ҳукмдор бизнинг ақидамыздан хабар топган ва ғазабланиб жунбушга келган эмиш. Агар биз ақл-идрокимиз асоси, жисму руҳларимизнинг оби ҳаёти бўлган динимиздан қайтмасак, эртагаёқ бизни ушлаб олиб, ҳукмдор оёғининг остига ташлашлари мумкин эмиш. Шунинг учун бирор чора топиб, бир фикрга келишимиз зарур, — деди.

Бу нохуш хабарни эшитган етти ўспириндан яна бири шундай деди:

— Бундай хабарни мен ҳам эшитган эдим. Аммо уни ифвогарларнинг ифвоси, нодонларнинг фисқу фасодидан бошқа нарса эмас, деб ўйлаган эдим. Аммо бу гапларда жон борга

ўхшайди. Биз ҳақимиздаги гап-сўзлар одамлар орасида ёйилиб улгурган кўринади, ҳукмдор ҳам эшитган бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, бизни тутиб олишга уринишади. Нима бўлганда ҳам биз динимизда собитқадам бўлмоғимиз ва эътиқодимиз йўлида ҳар қандай қийноқ ва азобларга бардош бермоғимиз лозим. Биз улар сиғинаётган бут-ҳайкалларнинг ботиллигини билатуриб, уларга ибодат қилмаймиз. Биз ягона Аллоҳгагина итоат қилиш ва Унгагина сиғинишдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Уларни тутиб ҳукмдорнинг ҳузурига келтиришди. Ҳукмдор уларга:

— Ўз қилмишларингизни яширишга, имон-эътиқодингиз ва динингизни пинҳон тутишга уриндингиз, аммо мақсадингизга етолмадингиз. Ҳамма ишларингиздан хабардорман. Ҳукмдор ва халқнинг динидан қайтиб, бошқа динга кирганингизга тушунолмаёпман. Мен сизларни ўз ҳолингизга қўйиб, қайси динга эътиқод қилишингизга аҳамият бермасам ҳам бўлаверар эди. Аммо мени хавотирга солган нарса шуки, сизлар қавмингизнинг энг обрўли кибор оилаларидан бўлганингиз учун бошқалар ҳам сизга эргашишлари мумкин. Мен сизларни азоб-уқубатга солиш учун шошилмайман. Қайси томонга қараб кетаётганингизни яхшилаб ўйлаб кўринг. Олдингизда икки йўл бор. Биринчиси — қавмингиз эътиқод қилаётган динга қайтишингиз бўлса, иккинчиси — бошларингизнинг танангиздан жудо бўлишидир, — деди.

Аллоҳ йигитларнинг қалбларига илҳом ато қилди ва уларнинг имонларига мадад берди. Улар ҳукмдорга дедилар:

— Биз динимизга кўр-кўрона тақлид билан кирмадик, зўравонлик оқибатида ёки нодонлигимиз туфайли ҳам бу йўлни танламадик. Бу динга бизни улуғ Зот чорлади ва биз “Лаббайка” деб Унга жавоб бердик, У бизнинг ақлимизга нур бахш этди. Бизни бундай ҳидоят йўлига бошлаган зот Аллоҳдир. Биз у Зотдан бошқасини ҳеч қачон илоҳ деб эътироф қилмаймиз. Қавмимизга келсак, улар саводсиз, жоҳил ва нодонликлари туфайли бутларга сиғинадилар ва кўр-кўрона ота-боболарига тақлид қиладилар. Бизнинг эътиқодимиз шундай, ҳукмдор. Бизни нима қилсанг, ихтиёр сенда.

— Бугун уй-уйларингизга кетаверинглар, эртага келасизлар. Нима қилишни, сизларга қандай чора қўллашни ўйлаб кўраман, — деди.

Йигитлар ҳукмдор саройидан чиққач, нима қилишни ўйлай бошладилар, бир фикрга келиш учун ўзаро маслаҳатлашдилар. Шунда улардан бири:

— Модомики ҳукмдор бизнинг ишларимиздан хабардор экан, унинг дўқ-пўписаларини, таҳдидларини тинглаб ўтиргандан кўра, ўз эътиқодимизда қолиб тоғдаги горга қочиб кетганимиз яхши. Гарчи гор тор ва қоронғу бўлса ҳам, биз учун у ер юзидан ҳам кенгроқ ва ёруғроқ бўлиши аниқ. Зеро, горда бемалол, хоҳлаганимизча Аллоҳга ибодат қила оламиз ва дунёқарашимиз, имон-эътиқодимиз ҳақида истаганча сўзлаша оламиз. Кўнглимиз таскин топмайдиган динга эътиқод қилиб яшайдиган ер биз учун қароргоҳ эмас. Шунингдек, эътиқодимиз учун тазйиқ ва таҳқир бўладиган юрт биз учун ватан эмас, — деди.

Улар йўлга керак бўладиган нарсаларини олиб, йўлга тушдилар. Йўлда уларга бир ит ҳам эргашиб, изма-из бориб, уларга қўшилиб олди. Йигитлар ҳамроҳ бўлар, кези келса, бизни кўрир, деб итни ҳайдаб юбормадилар.

Улар юра-юра горга ҳам етиб келдилар. Йўлда териб олишган меваларидан тўйиб-тўйиб едилар, булоқнинг зилол сувидан қониб-қониб ичдилар. Сўнгра оёқларига бир оз дам бериш учун ерга ёнбошладилар. Йўл азоби таъсиридан бўлса керак, уларни мудроқ элита бошлади. Бир неча сония ўтиб-ўтмай уларнинг кўзлари юмилиб, бошлари ерга энгашган ҳолда, тинч уйқуга кетдилар.

Тунларни қувиб кунлар, йил ортидан йиллар ўтаверди. Аммо йигитлар ҳамон уйқуда эдилар. Гўё уларнинг қулоқлари муҳрланган, киприклари эса бир-бирларига боғлаб қўйилгандек эди. Уларни на бўроннинг даҳшатли овози ва на момоқалдиروқнинг кучли гумбурлаши, на қуёшнинг туйнукдан мўралаган нурлари ва илиқ ёғдуси уйқудан уйғота олар эди.

Аллоҳ уларни ҳифзу ҳимоя қилишни ирода этгани боис қуёш шуълалари уларнинг баданларини куйдирмас, балки ўз одати бўйича вақтида чиқар, ботар ва гордан йироқлашар эди. Агар бирор кимса горга кириб қолганида борми, албатта, у йигитларнинг гоҳ ўнг, гоҳ чапга ағдарилаётганларини кўриб, кўрқиб кетган бўлар эди.

Йигитлар уч юз тўққиз йил ўтганидан сўнг уйқудан уйғондилар. Улар очликка чидаёлмай қолишган, қаттиқ чарчоқдан аъзойи баданлари ўзларига бўйсунмас эди. Улар учун гўё ҳеч қанча вақт ўтмагандек, тарих гилдираклари уларнинг гори олдида тўхтаб қолгандек эди. Улардан бири:

— Ҳаёлимда узоқ муддат ухлаб қолгандекмиз, сизларга ҳам шундай туюляптими? — деб сўради.

(Давоми 30-бетда)

Қалб муруввати

“Савоб” арабча сўз бўлиб, “яхшилиқ”, “эзгулик” деган маъноларни билдиради. Савобга лойиқ хатти-ҳаракатларни ҳар дамда, ҳар қадамда учратиш мумкин. Масалан, ердан нон ушогини олиш, қарияларга ёрдам бериш, касални бориб кўриш, уришганларни яраштириш ва ҳоказо...

Беғараз ёрдамдан ҳосил бўладиган савобнинг эса ўлчови йўқ.

Бугунги авлоднинг савобга муносабати ўйга толдиради. Баъзан “савобнинг таги тешиқ”, “яхшилиқни ҳам билганга қилгин” деган гапларни эшитиб қоламиз. Қилинган яхшилиқ, ўша одамдан қайтмаса, бошқадан қайтиши аниқ. Савоб ишлар ажрини Аллоҳнинг ўзи беради. Эзгуликни миннат қилиш ажрни кесади.

Эсимда бор, бизнинг маҳаллада Иброҳим бобо деган олижаноб бир инсон яшардилар. Ўзлари серфарзанд бўлишларига қарамай, маҳалла болаларига ҳам жуда мурувватли эдилар. Кўчамизда фақат уларнинг уйларида телевизор бўлиб, бутун маҳалла болалари шу ерда телевизор кўрардик. Бу иш бир-икки кун эмас, ойлаб давом этарди. На ўзлари, на фарзандлари, бўлди энди, кетинглар, дерди. Ҳатто ёзги таътилда ночор оилаларнинг болаларини ўз маблағларидан лагерга юборардилар. Иброҳим бобонинг бу ҳимматидан хурсанд бўлган ота-оналар ҳақларига дуо қилишар, баъзи бир ҳасадгўйлар эса, бор бўлгач беради-да, деб пичинг қилишар эди.

Талабалигимда бир куни ёнларига бордим. “Акамулла, менинг газитларда мақолаларим чиқяпти, сиз ҳақингизда

МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ

ёзмоқчиман”, дея ниятимни айтдим. У киши аввалига сўзимни жимгина тингладилар, сўнгра: “Маҳалла болалари менинг болаларим, бу ердан яхши болалар чиқса, бизнинг обрўйимиз. Савоб хўжакурсинга эмас, Аллоҳ ризолиги учун қилинади”, деб таклифимга рози бўлмадилар. Отахоннинг бу гапларидан мулзам бўлдим, яхшигина ибрат ҳам олдим...

Мавлуда МУҲИДДИН қизи,
Бухоро

Аёл сабри

Қадим замонда бир савдогар ўтган экан. Тижорат билан узоқ-узоқ юртларга сафар қилар экан. Шунинг учунми, уйланишни ортга суриб юрар экан. Ниҳоят кўпнинг маслаҳати билан уйланибди. Бешолти ой бахтиёр ҳаёт кечиршибди. Вақти келиб, савдогар яна сафарга отланибди. Йўл машаққатларини, азобларини ўй-лаб, хотинини уйда қолдирибди. Кунлар, ойлар ўтибди. Савдогар уйга қайтганида, не кўз билан кўрсинки ҳовлиси хонавайрон бўлган, гўзал хотини қазо қилган экан.

Савдогар тақдирга тан берибди. Қайта уйланибди. Ҳовлиси аввалгидай яшнабди.

Энди савдогар сафарга хотинини ҳам олиб кетишга қарор қилибди. Аммо аёл эрининг бу таклифидан ранжиб:

— Мен ҳам кетсам, гулдек ҳовлимиз биёбонга айланади. Шу ерда қолиб сизнинг қайтишингизни кутсам... Ҳаққингизга дуо қилиб, уйда ўтирсам... — дебди. Савдогар ноилож рози бўлиб, сафарга жўнабди.

Орадан ойлар, йиллар ўтибди. Ниҳоят бир куни савдогар сафардан қайтибди. Бу гал хотинини омон кўриб, қувонибди. Хотини ўйнаб-кулиб юрганмиш. Ҳовлисида гулу райҳонлар барқ уриб, жаннат бўйларини уфуриб турганмиш. Суюнганидан савдогарнинг тили калимага келмабди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, савдогар хотинидан бундай бахтиёрликнинг сирини сўрабди.

— Бунинг ҳеч бир сирини йўқ, — дебди аёл. Сўнгра тоқчада турган жойнамозга ишора қилибди: — Намоз менинг холис суҳбатдошимга, узун тунлар ҳасратдошимга айланди. Аллоҳ ёлғиз топинганим, сирдошим бўлди. У менга сабр берди...

Савдогар хотинининг сўзларини меҳр билан тинглабди. Унинг сабр-бардошига тасаннолар айтибди.

Раҳима ШОМАНСУР,
Тошкент

Гўдак ҳиди

Синглим турмуш қурганидан сўнг ўн йилгача фарзанд кўрмади. Бу йиллар унга қанчалик оғир бўлганини гўдак ҳидига зор аёлларгина тушуна оладилар. Сўник, умидсиз, худди чўкаётган кемадаги кимсадай кимнингдир шошилинч ёрдамига муҳтож эди. Ниҳоят, менинг ҳам дил косам тўлиб, унга ёрилдим:

— Қарши бўлмасанг, сен учун чақалоқ туғиб бераман. Ў фарзандингдай расмийлаштириб оласан. Ўзингники бўлади. Менинг учта болам бор Худога шукр...

МЕНИНГ БОЛАЛАРИМ

Синглим аввал рози бўлмади. Кейин, уйдагилари билан маслаҳатлашиб, рози бўлди.

Тўққиз ой гўдакни синглим учун кўтариб юрдим. Фақат унинг учун... Ҳатто болаларим: «Аям бизга чақалоқ олиб келади», деб қувониб юрганларини кўрсам ҳам, берган ваъдамини қандай бузаман, деб қийналар эдим.

Ой-куним яқинлашди. Тур-руқхонага бордим. Синглим ҳамма ташвишни бўйнига олди: ҳали дори, ҳали укол, ҳали суюнчи пул...

Минг азоб билан кўзим ёриди. Ўғил туғдим. Мен меҳрим тушиб қолмасин деб уни кўришни истамадим, эмизидан бош тортдим. Аммо эмизидан мажбур бўлганимда, вужудим тасвирлаб бўлмас туйғудан ларзага келди. Мен шу дақиқагача шу чақалоқ учун ҳис қилмаган оналик туйғусини ҳис қила бошладим. Ўзимга сабр-тоқат тилаганларим, тасаллиларим болани эмизгач, ҳавога учди гўё.

Уйга қайтдим. Бағрим бўмбўш... Эшикни очганимда болаларим чақалоқ қани дея сўроқлайди. Уларга нима дейишни ҳам билмайман. Эрим: «Ўзинг шуни хоҳлаган эдинг, энди сабр қил, ҳаммаси ўтиб кетади», дея далда бердилар.

Кечалари тўлғониб чиқаман. Ўғлимни қидираман. Юм-юм йиғлайман. Хаёлларимда унинг қиёфасини чизиб, аллалайман. Ҳидини соғинаман, унга энтикаман. У ҳид шунчалик ширин эдики... Булар ҳаммаси хаёлда экани эсимга тушгач эса... Бошимга тушгачгина, гўдакни йўқотиш она

учун оғир мусибат эканини ҳис қилдим.

Шундан буён бир савол ичимни кемиради: мунчоқдек гўдакларини ташлаб кетаётганлар кимлар? Уларни нима дейиш керак — инсонми ё ҳайвонми? Йўқ, ҳайвонлардаги шафқат ҳам йўқ уларда! Мен гўдагимни синглимга, жигаримга бердим. У тирик. У яхши, тўқ одамлар қўлида ором оляпти. Аммо... ташландиқ гўдакларнинг қисмати-чи? Ёшликнинг заволига, зинонинг касрига яралган гўдакларда не айб, эй кимсасизлар!

Рухсора,
Кува

Ўзимга вожиб билдим

Ҳимматли бўлиш учун катта сармоя шарт эмас экан. Қарши шаҳрининг Каманди маҳалласилик Бозорбой Зоиров неча йилдики, буни исботлаб келади. У маҳалладами, мактаб ё масжиддами, оддий оилалардами, бирор муаммо туғилса, холис ёрдани аямайди.

Бозорбой ака халқ табобати билан шуғулланади. Ибн Сино-

нинг “Табобат илми” китобидан фойдаланиб, гиёҳлардан дори-дармон тайёрлайди. Ҳузурига келганларни аввало меҳр-оқибатли бўлишга, ҳалол-пок неъматлардан еб-ичишга ундайди.

Айниқса, болажонларни кўрса, Бозорбой аканинг кўнгли яйрайди. Нима қилиб бўлса ҳам уларни хурсанд этиш пайида бўлади.

Энг муҳими, унинг бу фази-латларидан бошқа юртдошларимиз ҳам ибрат олишяпти. Масалан, косонлик Раҳмон Ҳақбердиев бир хотирасини шундай сўзлаб берди:

— Қайсидир йили Бозорбой бизни тўйга таклиф этди. Тўйхонага келсак, меҳмонларнинг кўпи болакайлар экан... Қарши ва Китоб шаҳарлари меҳрибонлик уйларидан келишибди... Уларни ширинликлар билан алоҳида сийлашди. Кейин бир тойни ясантириб, шаҳар айлангани чиқишди. Болакайлар шунақа қувнашдики...

Гўдакларни бундай иззат-икром қилган одамга қандай таъриф муносиб!

“Қиличбек-Қўрғонча” жомеъ масжидини таъмирлашда, Мағзон ва Каманди маҳаллаларини боғловчи кўприк қурилишида ҳам бу серҳиммат ҳамқишлоғимизнинг ҳиссаси катта бўлди. Аллоҳ ажрини берсин...

Барот ГУЛОВ,
Қаршидаги «Қиличбек-Қўрғонча»
жомеъининг имом-хатиби



МАСИҲ ДАЖЖОЛ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Ислом тарихига назар ташласак, баъзи “кичик” дажжолларнинг ўтганига гувоҳ бўламиз:

1. Мусайлама ибн Ҳубайб ал-Каззоб.
2. Абҳала ибн Каъб.
3. Надр ибн Хорис ат-Таймийа
4. Аҳмад ибн Яҳё.
5. Ибнул Мужаффа.
6. Абу ат-Тоййиб.

Мусайлама ибн Ҳубайб ал-Каззоб: Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, даврларида Ямомада пайғамбарлик даъво қилиб чиқди. Ўзининг шармандали хатти-ҳаракатларидан умуман уялмасди. Чунки у пайғамбарлик орқали мол-дунёга эришишни кўзлаган эди. Ҳатто нубувват хусусида ҳамкорлик қилишни Расулуллоҳга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, таклиф қилган эди. Кейинчалик Ҳазрати Пайғамбарнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ворислари бўлишни хоҳлади. Мусайлама (лаънатуллоҳи алайҳ) ҳижратнинг ўнинчи йилида Расулуллоҳга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бир мактуб ёзди. Бу мактубдан қуйидаги сўзлар ўрин олган эди:

“Аллоҳнинг расули Мусайламадан Аллоҳ расули Муҳаммадга. Муҳаққақки, ерни бўлишиш хусусида мен сен билан ҳамкорман. Ернинг ярми бизники (иккимизники), ярми қурайшники бўлсин. Бироқ қурайшийлар ҳаддидан ошган қавмдир”.

Шу мактуб сабабли Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Мусайламага “каззоб”, яъни, “ашаддий ёлғончи” деб лақаб бердилар.

Абҳала ибн Каъб: Хитобатда, қаҳонатда, фасоҳатда, шеърда ва сажода машҳур киши бўлиб, лақаби “Зул-Химор” эди. Ҳазрати Пайғамбар даврларида Яманда пайғамбарлик даъво қилиб чиқди. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, вафотларидан бир кун кейин ўлдирилди.

Надр ибн Хорис: Нубувватни даъво қилмади. Фақат форс ва аҷам қироллари ҳақида қисса ва ҳикояларни ривоят қилар эди. Бу каби гайритабиий ҳодисалардан араблар беҳабар бўлганлари учун бу ҳикоялар уларга таъсир қилар эди. Натижада Расулуллоҳга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, тушган Қуръони карим оятларини тингламас эдилар. Зотан, Надрнинг асосий мақсади ҳам шу эди.

Ибнул Мужаффа: Китобат санъатида машҳур киши эди. Қуръонга ўхшаш асар ёзмоқчи бўлди. Аммо ўз аҳволидан уялиб, ёзган нарсаларини йиртиб ташлади.

Чунки ёзган асари Қуръон билан тенглашиш тугул, унга яқинлаша ҳам олмасди. Охир-оқибат у ҳеч бир одамзод бу ишни уддалай олмаслигини эътироф этди.

Аҳмад ибн Яҳё: Қуръонга муқобил бўлсин деб ёзган “Тач” номли китоби бор эди. Бу одам жоҳиллигидан ҳеч қандай далили бўлмаган масалаларни ўз номидан ёймоқчи бўлган.

Абу ат-Тоййиб: Пайғамбарлик даъвоси билан чиққанида кўплар унга эргашди. Эргашувчиларнинг асосий қисми Бани Калб қабиласидан эди. Ҳижрий 354 йилда ўлдирилди.

Масиҳ Дажжолнинг энг буюк сифатларидан ёлғончилик ва ҳақни ботилга ўзгартириш эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Исломий қадрият ва Ислом маданиятининг ўрнини Фарб маданияти эгаллаб олишидан буюкроқ ўзгартиришни тасаввур этиш қийин. Дунё тарихида бунга кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин.

Ҳижрий 354 йилгача қилинган бу таснифдан кейин дажжолларнинг бошқа таснифи қилинмади. Бунинг сабаби дунёга майл ва рағбатдир. Саҳобаи киром, тобеъин, табаа тобеъин Дажжол ҳақида сўрар эди. Нега? Дажжолнинг фитнасида сақланиш учун. Бироқ кейинги наслларни бу масала қизиқтирмай қўйди.

“Қиёмат бу оят ва аломат амалга ошмагунча бошланмайди”, дея бошланувчи ҳадисда Ямандан чиқадиган ўтга ишорат бор. Ҳадисда “нар” дея ифодаланган сўз арабчада “уруш” маъносида ҳам келади. Қуръони каримда шундай буюрилади:

“Уларнинг ораларига то қиёмат кунигача кетадиган буғзу адоватни ташлаб қўйганмиз. Улар қачон (Сизга қарши) уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ уни ўчирур” (Моид, 64, мазмуни).

Оятни каримадаги “нар” сўзи ҳам уруш, ҳам фитна маъносида келган. Аллоҳ таоло унинг шарридан муҳофаза қилсин.

Дажжолдан сақланиш йўллари

Абу Дардо, разийаллоҳу анҳу, Пайғамбаримиздан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ривоят қилган бир ҳадиси шарифда у киши бундай деганлар:

“Ким Каҳф сурасидан ўн оят ёдласа, Дажжол фитнасида ҳимояланади” (*Муслим, Абу Довуд, Термизий*).

Бошқа бир ривоятда бундай келади: “Ким Каҳф сурасининг сўнгги ўн оятини ёдласа, Дажжол фитнасида ҳимояланади”.

Бундан ташқари, Бухорий ва Муслим “Саҳиҳ”ларида ва Имом Аҳмад “Муснад”ида зикр қилинган, Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинган ҳадисда шундай буюрилади: “Мадина эшиклари устида фаришталар бор. У ерга вабо ва Дажжол кира олмайди”.

Имом Бухорийнинг бошқа бир ривоятида: «Мадинага Масиҳ Дажжол кўрқуви кирмайди. Ўша кунда Мадинанинг етти дарвозаси бўлади ва ҳар дарвозада иккитадан фаришта туради», дейилади.

Бу ҳадисни Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик, Маслама ибн Ақво ва Михжан ибн Адро каби саҳобалар ривоят қилишган.

Термизий Анас ибн Моликдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят этган бир ҳадисда эса шундай буюрилади:

“Дажжол Мадинага кириш учун келади. Бироқ фаришталар Мадинани муҳофаза қилаётганларини кўради. Аллоҳнинг изни билан у ерга вабо ва Дажжол кира олмайди” (*Бухорий*).

Ибн Саййод ҳақиқий Дажжолми ёки кичик дажжоллардан бирими?

Бухорий ва Муслимдаги кўп ҳадис ривоятлари дажжол ибн Саййод* эканига далолат қилади.

Муҳаммад ибн Мункадир Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят этган бир ҳадисда бундай дейилади: “Жобир ибн Абдуллоҳни ибн Саййоднинг дажжол эканини исботлаш учун қасам ичаётганини кўрдим. Унга:

— Бу хусусда Аллоҳ номи билан қасам ичяпсанми? — дедим. У шундай жавоб берди:

— Мен Ҳазрати Умарни Расулulloҳнинг, алайҳиссалом, ёнларида “Ибн Саййод дажжолдир” дея қасам ичаётганини эшитдим. Расулulloҳ ҳам бунга эътироз билдирмадилар” (*Бухорий, Муслим*).

Жобирдан, розийаллоҳу анҳу, ташқари бир қанча ровийлар ибн Саййоднинг дажжол эканини билдирувчи ривоятлар айтишган. Абдураззоқ саҳиҳ санад билан ибн Умардан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилган бир ҳадисда ибн Умар, розийаллоҳу анҳу, шундай дейдилар:

“Ибн Саййодни бир яҳудий киши билан кетаётганида учратиш қолдим. Кўзи сўниқ, туянинг кўзига ўхшаб ташқарига ирғиб чиққан эди. Бу ҳолни кўрган заҳотим:

— Эй ибни Саййод! Аллоҳ ҳаққи, айт, кўзларинг қачондан бери бундай? — деб сўрадим.

— Раҳмонга қасам бўлсинки, билмайман, — дея жавоб берди.

— Ёлғон айтяпсан. Кўзларинг каллангда турган ҳолда қандай қилиб билмайсан? — дедим.

— Кўзимга тегиб кўр, — деди.

Кўзига текканимда, бурнидан уч марта овоз чиқарди. Ёнидаги яҳудий унинг кўзини бу ҳолга мен туширдим деб ўйлади. Бу воқеани Ҳафсага, розийаллоҳу анҳу, айтганимда:

— У одамдан узоқ юр. Чунки дажжол бир нарсадан ғазабланганида чиқади, — деди”.

Ушбу ривоятдан кўришимиз мумкинки, Ҳафса билан Ибн Умар, розийаллоҳу анҳум, ибн Саййодни буюк дажжол деган фикрдадилар. Абу Саид ал-Худрийнинг, розийаллоҳу анҳу, ривояти эса, юқорида зикр қилганимиз ҳадисга ёки ибн Умар билан Ҳафсанинг фикрига тескаривдир. Абу Саид ал-Худрий, розийаллоҳу анҳу, шундай ривоят қилади:

“Бир куни ибн Саййод билан бирга Маккага кетаётган эдик. Бир пайт мендан сўради:

— Мен билан тўқнаш келган ҳар бир инсон мени дажжол деб ўйлайди. Сен Аллоҳ Расулининг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дажжолнинг фарзанди бўлмайди”, деганини эшитмадингми?

— Албатта, эшитдим, — дея жавоб бердим.

— Ўзингга маълумки, менинг фарзандим бор. Яна Ҳазрати Пайғамбарнинг: “У Макка ва Мадинага кира олмайди”, деганини-чи?

— Уни ҳам эшитдим, — деб тасдиқладим. У эса менга шундай деди:

— Мен Мадинада туғилдим. Ҳозир, мана, Маккага кетяпман. — Бир оз сўнгра кўшимча қилди: — Аллоҳга қасамки, мен унинг (дажжолнинг) қачон ва қаерда туғилганини, айна дамда қаерда эканини биламан. Лекин у баъзан менга тўсиқ бўляпти, мени шубҳалантириб қўйяпти.

Ибн Саййод қиссаси, уламо ҳам таъкидлаганидек, ечими мушкул бир масаладир. Бироқ унинг дажжоллардан бири эканига шубҳа йўқ. Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ушбу сўзлари фикримизнинг далилидир:

“Эй Умар, унга (*ибн Саййодга*) тегма. У (*охирзамонда*) чиқадиган Дажжол бўлса, уни ҳозир ўлдиролмайсан” (“Саҳиҳ”и Муслим).

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бу ерда бир қанча дажжолнинг зуҳур этишига ишорат қилиш билан бирга, ибн Саййоднинг улардан бири эканини билдириб ўтганлар.

(*Давоми келгуси сонда.*)

* Баъзи манбаларда “Ибн Саид” деб ҳам келади.

Автобусда йўловчилар анча тигиз эди. Бекат ошган сари одам кўпайиб борди... Олдинги ўриндиқлардан бирида ўтирган жувон ёнида турган келинчакка эътибор қилди. Дарҳол ўрнидан туриб, уни ўтқазмоқчи бўлди. Келинчак уялди. “Ўзингиз ўтираверинг”, деб унамади. Шу пайт бошқа ёшгина жувон ўрнидан чаққон турди-да, келинчакни ўтқазди. Келинчак қизариб-қимгиниб бўш жойга ўтираркан, юзларида сезилар-сезилмас севинч, гурур ва бахтиёрлик қоришиқ бир ифода кўринди.

Аёллар бозор-ўчар ҳақида суҳбатлашиб қолишди. Жувон Чорсудан бир челақ ўрик харид қилгани, ҳозир бориб мураббо қилмоқчи эканини гапириб берарди. Келинчак шунда эътибор берди: шундоқ ёнгинасида, қўл етгудай масофада бир челақ ўрик турарди... Кўнгли беихтиёр суст кетиб, ютинди. Кўзини четга олди. Сал ўтмай яна ўз-ўзидан нигоҳи челаққа қадалди. Кўзини юмди ва кўз олди қоронгулашиб кетди, билмайди, шундай қаршисида бир баркаш сап-сарик ўрик туриб қолди. Ўриқлар юзида шабнам, шабнамда қуёш аксланиб, кўзни камаштирарди...

Келинчакни биров тургандай бўлдию кўзи очилиб кетди. Қараса, ўрик тўла челақ ўрнида йўқ. Ҳалиги жувон уни кўтарганича автобусдан тушиб кетяпти...

Келинчак ёш бола сингари мунгайиб, хомуш тортиб қолди.

У бир ҳолатда автобусдан тушди. Кайфияти йўқ одимлаб уйи томон кета бошлади. Ниҳоят, қаршисидаги кўчага қайрилдию... кўзлари қувнаб кетди. Қадами тезлашди. Рўпарасидан унга томон шохларида гуж-гуж мевалари товланиб турган улкан ўрик дарахти солланиб-солланиб келар эди.

Унга етиши қийин бўлди. Ва ниҳоят... У ўрик шоҳига қўл қўзди. Қўли етмади. Бесабрлик қилиб бир-икки сакради. Эҳтиётсизлик қилиб қўйганидан

лабини тишлаб, бир зум ўйла-ниб қолди. Шу чоқ оёғи остида ер билан битта бўлиб ётган ўриқларга кўзи тушдию нари-берисини ўйламай, қўлидаги халтачага териб сола бошлади...

Келинчак пешайвонда тикиш қилиб ўтирган қайнонаси билан кўришиб, сўрашган бўлди-да, тезгина ўрнидан турди.

Орзикул ЭРГАШ

ЎРИК

Ҳикоя

— Ойижон, мен ҳозир!..

— Ҳа, болам?

— Ойижон, мен сизга ўрик олиб келдим. Шунга чайиб келай. Муздайгина қилиб еб олинг...

— Аввал биров нафасингизни ростлаб олинг, кейин...

— Қўяверинг, ойижон, чарчаганим йўқ.

Ҳаял ўтказмай баркаш тўла ўриқни ялтиратиб дастурхонга келтириб қўйди. Биттасини олиб, қайнонаси қўлига тутқазди.

— Яхши-я, ойижон!

— Қудам, барака топгур, ҳовлиларингни жаннат қилиб қўйибдилар. Қўллари дард кўрмасин.

— Ойижон, боғимизда ҳаммасидан бор-у, фақат мана шунанасидан йўқ экан. — Келинчак бир ўриқни қўлига олди: — Ғўлин дейдими?

— Ғўлин. Уйларингда бўлмаса, қаердан олдингиз? Кўни-қўшни илдинди?

— Ҳа, қўшнимиз, — дея кулди келинчак, — мана шу ўзимизнинг Ибодат холамиз... деворлари тагида ер билан битта бўлиб ётган экан. Кўзимга оловдай кўриниб кетди, ойижон, — деди-да, бетоқат ютинди. “Қани, олинг, ея қолайлик!” деб юборишига бир баҳа қолди. Кампир шошилмади.

— Ибодат холангиз бор эдими ишқилиб?..

Келинчак жилмайди.

— Холам бўлганларида улардим, ҳеч ким йўқ учун...

— Уялмадингиз, шундайми?

Келинчак дув қизарди.

— Ҳа, қизим-а, — дея безор кулимсиради қайнона.

— Автобусда бир аёлда кўриб, кўнглим шунақа суст кетдики... Кейин, оёғим остидан чиқиб қолганига ўзимни тугулмадим.

— Бир оғиз сўраш керак эди-да, болам.

— Айтдим-ку, ойижон, тагидан териб олдим, деб. Ер билан битта бўлиб ётган экан. Шамол тўккан-да. Кечаси роса шамол бўлди-ю...

Кампир қўлидаги ўриқни баркашга қўйди. Мўлтираб турган келинига жиддий тикилди.

— Қизим, ҳозир чиқингда, Ибодат холангизга учраб, розилигини олинг.

Бу гап келин учун қутилмаган гап бўлди.

— Ойижон, қандай чиқаман, нима дейман?! Кейин... кўчада сочилиб ётган бўлса...

— Қизим, сиз болангизнинг ўғри бўлишини истайсизми?

— Вой, ойижон! — Келинчак чўчиб тушди.

— Бировнинг нарсасини сўрамай олиш гуноҳ. Зарари болангизга тегади-я! Шунинг учун бунга опчиқинг-да, холангизнинг олдидан ўтинг. Хўпми!..

— Уяламан-да, ойи... — деди келинчак бўшашиб.

Кампир жиддийлашди:

— Кейин қаттиқ уятга қолмайин десангиз, ҳозир олдини олинг, болам! Боринг. — Келинчакка қайнонасининг бу гаплари ғоят қаттиқ таъсир этди.

Келинчак минг истиҳола билан кўчага чиқди. Ҳаял ўтмай чехраси ёришган ҳолда уйига кириб келди. Қўлида бир челақ сап-сарик ўрик, ўриқлар юзидаги шабнамда қуёш нурлари аксланиб, жилваланиб келяпти...

УКАМНИНГ ТАВБАСИ

Бундан ўн йиллар муқаддам кўп қатори бизнинг хонадонга ҳам ҳидоят нурлари сочилди. Отам, онам, укам ва мен намоз ўқий бошладик. Кундан-кунга ёмон иллатлардан сақланиб, яхшилиқка интилар эдик. Аммо отам кўп уринсалар-да, сигарет чекишни ташлай олмадилар. Ўша даврларни эсласам, қалбим ўзгача энтикади.

Кунлардан бир кун кичик укамнинг нафасидан сигарет ҳиди уфураётганини сезиб қолдик. Дадамнинг жаҳллари чиқиб, укамни тергай бошладилар. Қистовга олавергач, у бор ҳақиқатни айтиб берди: дадам кулдонга ташлаган сигарет қолдиғини қизиқиб тотиб кўрибди.

Бу гап дадамга оғир ботди. Лаб тишлаганча хаёлга чўмдилар. Сўнгра сигаретнинг зарар-

лари ҳақида сўзладилар. Инсон бу балога ўрганиб қолса, ундан қутулиш нақадар мушкуллиги, шу боис ўзлари ҳам ташлай олмаётганларидан афсусланиб гапирдилар. Укам кўзларига ёш олиб, дадамдан кечирим сўради. Дадам бағриларига босиб: «Тавба қилиб, намоз ўқинг, ўғлим», дедилар.

Укам дадамнинг кечиримларидан хурсанд бўлиб, таҳоратга шошилди. Жойнамозни ёзиб, намоз ўқий бошлади.

У шу қадар чиройли намоз ўқирдики... Ҳаммамиз унга тикилиб қолдик. Икки ракат намоз асносида унинг жажжи ёноқларидан дувиллаб ёш оқарди. Намоз охирида қўлчаларини кўтариб, нималарнидир пичирлаб, дуо қилди...



Бу намоз кенжа укамнинг илк намози, оиламизнинг яна бир сурурли куни эди...

Тангрининг марҳамати ила бир неча кундан сўнг дадам ҳам сигаретни ташладилар. Укамнинг тавбаси ҳаммамизга ибратли дарс бўлган эди.

Феруза ШОКИРОВА,
мударриса

НАМОЗИНИ ҚАЗО ҚИЛМАГАН

Оиламизда болаларга жуда эрта диний тарбия берилган. Бувам илм-маърифатли, ҳудоҷўй одам бўлганлар. Элас-элас ёдимда, уч ёшимдаёқ Ислон динига, пайғамбарлар тарихига оид қизиқарли ривоятлар эшита бошлаганман.

Менга намоз ўқиш тартибларини илк бор бувам ўргатганлар. Ўшанда етти ёшга тўлган эдим. Оиламизда нафақат мен, балки эндигина юра бошлаган укаларим ҳам ўзларича намоз ўқишар эди. Раҳматли бувамнинг, дадамнинг ибратлари кейинчалик фарзандларимни тарбия қилишимда қўл келди...

1941 йил. Етти ёшда эдим. Дадам урушга кетадиган бўлдилар. Йўлга чиқишдан олдин хотиржам таҳорат олдилар. Сўнг-

ра уйдагиларга: «Намозларингизда ҳаққимга дуо қилинглар», деб чиқиб кетдилар.

Уруш ҳам тугади, дадам эсон-омон қайтиб келдилар. Урушда бўлган бир воқеани доим масрур ҳолда сўзлаб берардилар.

Дадам ҳатто жанг майдонларида ҳам намозларини қазо қилмасликка интилар эканлар. Бир куни намоз ўқиб турганларида, яқинроқларида бомба портлаб, тупроқ уюми остида қолибдилар. Ярадорларни йиғиб юрган ҳамширалар тупроқ остидан чалажон ётган дадамни чиқариб олишибди. Ҳарбий шифохонада узоқ муддат даволанибдилар. Шунда уйимизга «қорахат» келган эди...

Дадам урушдан қайтгач, хотираларини сўзлаётди: «Ме-

ни Тангри асради, сизларнинг дуоларингиз туфайли, болаларим», деб мени бағриларига босдилар.

Мен дадамнинг кучоқларида узоқ йиғладим. Боиси, мурғак қалбим доим дадамни кўмсар, соғинган кезларим: «Дадам қачон келадилар?» дея хархаша қилар эдим. Ойим: «Намоз ўқиб, Худодан даданг омон келишларини сўрасанг, албатта келадилар, болам», деб овунтирар эдилар. Жойнамозни солиб, укаларим билан намоз ўқирдик. Жажжи қўлчаларимизни дуога очиб, дадамнинг тезроқ уйга қайтишларини сўрардик.

Бугун ҳам ҳаётимнинг ҳаловати намоз. Аждодларим берган тарбия олдида ҳали-ҳануз бош эгаман...

Маҳмуд МУХТОРОВ,
олборчи

Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН

ФИТРИЙ (ХОС ИНСОНИЙ) ОДОБЛАР

Ўн биринчи боб

Фитрат инсон хилқатининг дастлабки ҳолатидир. Бу одоблар “фитрий суннатлар” ҳам дейилади. Бундай дейилишининг боиси, улар ҳамма пайғамбарларнинг, алайҳимуссалом, суннатлари эканидан, пайғамбарлар табиатан мойил бўлган туғма ҳолат эканидан ва барча динларда таъкидланганидандир.

Агар инсон бу одатларга риоя этса ва уларни ҳаётига татбиқ қилса, шаръий поклик, кўркамлик ва гўзалликнинг энг юқори даражасига эришади. Ва натижада одамлар эътиборида, жамият ва оиласи аъзолари билан муносабатда ёқимли бўлади.

Фитрий суннатларга риоя этиш ё риоя этмаслик эр-хотинлик муносабатларига энг кўп таъсир қилиши шубҳасиздир. Жуфтидан чиркин, бадбўй бўлгани учун нафратланадиганлар қанча! Бу ҳол сабабидан оилавий низолар рўй беради, кўпинча эр-хотин ажрашиб ҳам кетади. Эр-хотин бир-биридан ўзларига ёқмаган ҳолатларни кўрмаслиги, ёмон ҳидни туймаслиги улар саодатининг муҳим омилларидандир. Кўнгил хуш нарсани кўрганида, ёқимли ҳидни туйганида ёзилади, ором олади.

Шунинг учун динимиз аёлни фақат эри учун безанишга ва хушбўйлинишга ундайди.

1. Хатна

“Хатна суннати муаккадандир. Мусулмонга хос одатдир. Эркакларга уни тарк қилиш жоиз эмас”.

Барча уламоларнинг фикри шундай. Хатнани фарз деган уламолар ҳам бор.

Бола ёш бўлганида уни хатна қилиш фазилатлидир. Болани айнан неча ёшга кирганида хатна қилиш борасида эса, фикрлар турлича. Уларни бу ерда келтириш имкони йўқ.

Қуртубий айтадилар: “Барча уламолар шундай фикрда-

лар: Биринчи хатна қилинган одам Иброҳим Халилуллоҳдир, алайҳиссалом. Унда у зот катта ёшда эдилар”.

Насронийларнинг хатнани рад қилишлари ажабланарлидир. Улар хатна қилганни қоралашади. Хатна қилмаслик билан фахрланишади. Хатна қилмасликни ақидалари ва динларидан деб билишади.

2. Киндик ости тукларини тозалаш

“Киндик ости туклари” дейилганида жинсий аъзо ва орт йўл атрофидаги тукларни

Зеро, аёлнинг гўзаллигидан ва хушбўй ҳидидан завқ олишга танҳо эри ҳақлидир. Эрга ҳам, ўз навбатида, шундай масъулият юкланган.

Кир ва чиркинларни тозалаш, поклик, озодлик ва гўзаллик борасидаги эр-хотинга зарур масалаларни баён этиш учун бу бобни қўшдик. Бу ҳақда ворид бўлган ҳадиси шарифларга таяндик.

Имом Бухорий, Муслим, Аҳмад ва бошқалар Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қиладилар: “Беш нарса — хатна, (киндик ости) тукларини тозалаш, мўйлабни қисқартириш, тирноқни олиш, қўлтиқ тукларини юлиш хос инсоний одатлардир”.

Имом Муслим, Аҳмад ва бошқалар Ойиша онамиздан, розийаллоҳу анҳо, ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, марҳамат қиладилар: “Ўн нарса — мўйлабни қисқартириш, соқол қўйиш, тишни мисвок билан тозалаш, бурунни сув билан чайиш, тирноқни олиш, бўгинларни ювиш, қўлтиқ тукларини юлиш, киндик ости тукларини тозалаш, сув билан тозаланиш, оғизни сув билан тозалаш хос инсоний одатлардир”.

тушуниш керак. Мазкур ўринларни тоза тутиш учун ундаги тукларни кетказиш эркак ва аёлга суннатдир. У тукларни юлиб тозаласа ҳам бўлади, аммо қириб тозалаш афзалдир.

3. Қўлтиқ тукларини юлиш

Қўлтиқ тукларини юлиш ҳам эркак ва аёлга суннат. Уламолар бунда яқдилдирлар. Бу тукларни қириб тозалашдан юлиб ташлаш яхшироқ. Уларни юлиш оғриғига чидамаган киши қириб тозаласа ҳам бўлади.

Қўлтиқ кўп терлайдиган ўрин. У ердаги тукларда кир йиғилиб қолишидан бадбўй ҳид пайдо бўлади. Шунинг учун у туклар юлиб ташланади.

4. Мўйлабни қисқартириш

Уламоларнинг фикри бир хил: мўйлабни қисқартирмай қўйиш макруҳ, лаб чети кўринадиган қилиб уни қисқартириш суннат. Мўйлаб лаб четидан ўтиб кетадиган даражада ўсмаслиги керак. Мўйлабни лаб четидан ошириб ўстириш кофирлар одатидир.

5. Соқол қўйиш

Соқолга тегмай, қирмай ўстириш Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, муҳим суннатларидан биридир. Бу суннатни Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, сўзда ва амалда таъкидлаганлар. Мусулмоннинг бу суннатга амал қилгани яхши. Хоссатан, уламо ва машойихлар бунга амал қилишлари зарур.

6. Тирноқни олиш

Эркак ва аёлларга тирноқни олиш суннат. Тирноқни ўстириб юриш суннатга зид бўлганидан макруҳдир. Тирноқнинг ўсган қисми кир тўпланадиган жойдир, қўлтиқ ва киндик ости туклари каби инсон олиб ташлайдиган жисмининг кир бўлагидир.

Тирноқларни узун қилиб, уларга хилма-хил бўёқлар билан ишлов беришга пул ва бўёқларини сарфлайдиган аёллар ўйлаганидек, тирноқни ўстириш зийнат эмас.

7. Истинжо

Истинжо таҳорат масалаларидан бири. Истинжо — нажасни чиқиш жойидан кетка-

зиш ва нажас чиққан жойни кесак, ёмон латта каби нажасни оладиган бирор нарса билан тозалашдир. Бундан сўнг нажас чиққан йўлни сув билан ювиш фазилатлидир.

Эркакларга сийганларидан сўнг сийдик йўларини қўл билан оҳиста силаш, сийдик йўлида қолган томчиларнинг чиқишига таъсир қиладиган ҳаракат қилиш ё бир одим бўлса-да юриш вожибдир. Сийдик йўлида томчиси қолмаганига кўнгил таскин топса, сув билан ювса бўлади. Аёллар сийдикдан бўшангларидан сўнг озгина кутишлари кифоя.

8. Бўғинларни ювиш

Қулоқ бурмалари, бурун катаклари, киндик чуқурлари, кўз қовоқлари каби, одатда баданнинг кир тўпланадиган барча бурмати ўринлари бўғинлар қаторига кирилади. Поклик ва ёқимли ҳидни йўқотмаслик учун баданнинг бу ўринларини эътибор билан ювиш суннатдир.

9. Оғизни тозалаш

Кишининг бадбўй ҳиди, хусусан, оғзининг ҳидланиши атрофидагиларга озор бериши маълум.

Милкнинг яллиғланиши, тишда тозаланмасдан қолган таомларнинг сасиши, пиёз, саримсоқ каби ҳидли нарсаларни ейиш, кўп одамлар ўрганган ёмон одат — чекиш оғиз ҳидланишининг сабабларидандир.

Оғизнинг тозалигига эътибор бериш суннатдир. Тишларни мисвок билан тозалаш фазилатлидир. Зеро, мисвок ишлатиш Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, суннатларидир.

10. Сочни парваришлаш

Сочни парваришлаш суннатдир. Соч сирка ва бит каби текинхўрларга уя бўлмаслиги учун вақтида ювиб туриш, тараб, ўриш билан парваришланади.

Эркак ва аёлга сочларини қора рангдан бошқа ранг билан бўяш мумкин.

Сочдаги оқ тукларни юлиб ташлаш макруҳдир. Зеро, сочдаги оқ мусулмон учун нур ва улуғворликдир.

Аёллар сочларига бошқа сочни, сунъий бўлса ҳам, улашлари ҳаромдир.

Имом Бухорий ва Муслим Пайғамбаримиздан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ривоят қиладилар: “Бировнинг сочига ё ўз сочига бошқа сочни улаган аёлни, сочига бошқа сочни улаб қўйишни сўраган аёлни Аллоҳ таоло лаънатлайди”.

Саволлар ва жавоблар

Савол. Тирноқ олишнинг, қўлтиқ каби жойлардаги тукларни юлиш ё қиришнинг белгиланган муддати борми?

Жавоб. Уларга белгиланган муддат йўқ. Инсон ҳар ҳафтада, жумадан жумагача ўзини текшириб туриши мустаҳаб бўлади. Уларни қирқ кундан ўтказиб юбориш макруҳ. Имом Муслим Анас ибн Моликдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилади: “Мўйлабни қисқартириш, тирноқни олиш, қўлтиқ ва киндик ости тукларини юлиш ва қиришни қирқ кундан ортиқ қолдирмаслигимиз бизларга белгиланган”.

Савол. Тукларни юлиш ё қириш ўрнига тук тўкадиган тиббий дорини қўлласа бўладими?

Жавоб. Ҳа, бўлади.

Савол. Таҳорат қилганидан сўнг тирноғини бўяган аёл-

нинг таҳорати ва намози дуруст бўладими?

Жавоб. Таҳорат қилиб тирноғини бўяган бўлса, бу таҳорат ва намози дуруст, аммо кейинги таҳорат ва гуслари ва намозлари дуруст бўлмайди. Чунки тирноққа суртилган бўёқ таҳоратда ва гулда ювиш вожиб бўлган тирноққа сувни ўтказмайди.

Савол. Аёл бегоналар олдида ўз сочини ясама соч билан яшириб юриши мумкинми?

Жавоб. Йўқ. Бундай қилиши мумкин эмас.

Савол. Баъзи кишилар мўйлабни узун қўйиш билан фахрланишади. Ва буни эркаклик хислати деб ҳисоблашади. Шу шаръан тўғрими?

Жавоб. Йўқ. У шаръан нотўғри ва эркаклик хислати ҳам эмас. Балки у нодонликдир. Эркаклик хислати шариат аҳкомларига амал қилиш, Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, суннатларига эргашишдир.

Агар эркаклик тукларга боғлиқ бўлса, туклар кетиши билан йўқолади. Бундай эркаклик паст эркакликдир.

Савол. Баъзи аёллар қошларини юлиб ё қириб, ўрнига қалам билан ўзларига ёққан қош чизиб олади. Шу дурустми?

Жавоб. Йўқ. Бу ишлари дуруст эмас. Бу ишни ўзига ё бошқага қилган аёл Аллоҳ тало яратган хилқатни ўзгартиргани ва юзини бузгани учун лаънатга учрайди.

ХОТИМА

Уламолар айтганларидек, китоб ёзиш осон эмас. Айниқса, хос музуларда бўлса.

Инсонлар турлича ва истаклари ҳар хил. Улар ичида онгли олим, довдир жоҳил ҳам бор. Олим раҳмат айтади ва кўнгилни кўтаради. Жоҳил ё ҳасадчининг туҳмат ва масхара қилишдан, қоралаш ва ёмонлашдан бошқа мақсади йўқ.

Лекин илмий ҳаракат тўхтаб, қотиб қолиши керакми? Илм аҳли улардан кўрқиб, кишилар муҳтож бўлган нарсаларнинг шаръий ҳукмларини баён қилмасинларми? Йўқ! Аксинча кишиларга диний ва дунёвий ишларида фойдали нарсаларни тушунтириш ва ўргатиш вожиб бўлиб қолаверади. Бахтли турмушга ва солиҳ мусулмон оилага сабаб бўлиши учун биз бу китобдаги масалаларни шаръий ва мумкин бўлганча очиклик билан баён этдик. Бу китобдан мақсадимиз мусулмонларнинг ва Ислоннинг шарқ ва ғарбдаги душманлари бу соф динга, оила ва эр-хотин ҳуқуқлари ҳақидаги унинг кенг, олижаноб ҳукмларига қарши айтаётган қоралов ва туҳматларини қайтариш, мусулмон жамия-

тимизга ва мусулмон оиласи бахтига таҳдид солаётган бутун дунёга тарқалган бузуқлик тўлқинларига қарши туришдир.

Азиз ўқувчи! Сиз бу китобда кўргангиз очиклик бепарволикнинг бир тури ҳам, иззат пардасини йиртиш ҳам эмас, балки воқеликни борича тушунтиришдир, эр-хотин муҳтож бўладиган ё турмушларида дуч келадиган масалаларнинг олижаноб шаръий ҳукмларининг баёнидир, холос.

Албатта бу ишимизни комил, тугал, масаланинг ҳамма томонини қамраб олган демоқчи эмасмиз, аммо Аллоҳ таолодан бу китобни шу ҳолида ҳам мусулмонларга фойдали қилишини сўраймиз. Ўзимизга дунё ва охиратда саломатлик, офият ва мағфират тилаб, пок динимизда эр-хотинлик ҳаётининг тўғри қиёфасини кўрсатишга, эр-хотинларни ва турмуш қуриш арафасида турганларни эр-хотинликнинг муҳим ва зарур масалаларидан огоҳ этишга кучимиз ва имконимиз етгунча ҳаракат қилдик.

Ўтган ва келажак инсонларнинг саййиди Пайғамбаримиз Муҳаммадга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва у зотнинг оила аъзолари ва асҳобларига Аллоҳ таолонинг раҳмати ва саломи бўлсин.

Бу китоб жума куни муборак ҳижрати набавийнинг минг тўрт юз ўн иккинчи йи-ли муҳаррам ойининг охири куни (милодий 1991) Байрут шаҳрида ёзиб тугалланди.

Вал-ҳамдул иллаҳи робил ʼаламин.

Уста ОЛИМ
таржимаси



Сулаймон ШОДИЕВ

Аё кўнгил

Недин сен бунчалар абгор, аё кўнгил,
Чекарсан ҳар недин озор, аё кўнгил.

Менинг қасдим-ку, йўқ сенда, фақир жонман,
Фақир жонда не қасдинг бор, аё кўнгил.

Нечун ҳеч яйрамайдурсан, очилмайсан,
Бу не тилсим, бу не асрор, аё кўнгил.

Сени ҳеч англаёлмасман, мурудинг не,
Санарсанми мени ағёр, аё кўнгил.

Ҳамиша топганинг ранжу риёзатлар,
Нечук дард бу, не малҳам бор, аё кўнгил.

Не қилсанг қил мени, аммо салим бўлгил,
Маним бўл айласанг ҳам хор, аё кўнгил.

Малҳам бўлолмас

Кўнгил сирларингни ҳар кимга очма,
Ҳар кимса ҳамнафас, маҳрам бўлолмас.
Ёмонга ёндошиб, яхшидан қочма,
Ёмонлар ёнингда ҳамдам бололмас.

Тириклик шароби тотлидир, бироқ
Уни келтиргувчи меҳнат ва идрок.
Ишқ билан ҳаваснинг ораси йироқ,
Умрнинг ҳар дами байрам бўлолмас.

Сабр қилмоқ қийин сув билан нонга,
Чалпак ёғарми деб боқма осмонга,
Нафс дегани азим балодир жонга,
Миннатнинг карами карам бўлолмас.

Ҳар кимга дардингни айтма, Сулаймон,
Тўғрилиқдан тойиб, бўлсанг бадгумон.
Пушаймон қилурсан охир, пушаймон
Дардларингга ҳаргиз малҳам бўлолмас.

Бухоро

Абдусалом ИБРОҲИМОВ

Ўзингдадир

Ўзгдан келмас ёмонлик, ҳар ёмон ўзингдадир,
Ҳар балога бошлагувчи нотовон ўзингдадир.

Гулга қўл урмас эсанг, ҳеч ботмағай қўлга тикан,
Гулни уз деб қўймаган куч бегумон ўзингдадир.

Кеча-кун ёлғону ботил буйруғин қилсанг агар,
Кори бад, бузғунчи, маккор беомон ўзингдадир.

Омадинг келганда йўқлаб, бағрига босгувчи кўп,
Бошға ғам тушганида ёлғиз меҳрибон ўзингдадир.

Ҳар не хислат бор мужассам, ўз-ўзингга сол назар,
Ҳар замону, ҳар мақому, ҳар макон ўзингдадир.

Офият бермас юракка қўш иморат, қўш девор,
Даҳр аро сен излаган чин ошиён ўзингдадир.

Дил агар, Абдусалом, ғофил эса, душманга дўст,
Асли у душман аталмиш беимон ўзингдадир.

Тошкент



Илҳом ОРИПОВ

Савол ва жавоб

Жуда зиқна, муттаҳам бир кас
Бир кун йўлда бўлди ҳамроҳим.
Ундан: «Бировга ҳеч бир яхши нарса
Берганмисиз?» дея сўрадим.

Аввалига жим қолди. Сўнгра
Жавоб берди томогин қириб:
«Жуда ҳам кўп одамга, ўртоқ,
Панд берганман, берганман фириб...»

Она сўзи

Ота қатиқ ичмоқда эди,
«Мен ҳам ичай», — деди Қувондиқ.
Сўнгра деди: «Қандай ичяпсиз?
Бунча тахир, бунчалар аччиқ...»

Отаси дер: «Ушбу қатиқни
Ичиб қўйгин деганди ойим.
Эскилигин билмас эди-да,
Сўзи ерда қолмасин дедим...»

Фарғона

КИМДАН ЎРНАК ОЛЯПМИЗ?

Кичик жияним бир куни: “Ака, ўзинг мадад бергин, ё Биби Марям”, нима дегани?” деб сўради. Астафидулло! Эндигина еттига тўлган гўдакнинг онгида бундай савол қандай пайдо бўлиб қолди? Шошиб сўрадим: “Қаердан эшитдинг бу гапни?” Ўзи айтган сўзлари моҳиятини ҳис қилмаётган жияним: “Эсмералда”да шундай деганку”, деди.

Тавба, биз давомчиларимиз, динимизга қувват бўлажак болаларга нимани раво кўряпмиз? Бугун “Эсмералда”ю “Муҳаббат қаҳваси”, яна минг бир номдаги филмлар таъсирида ўсаётган болалар эртага ким бўлиб етишишини тасаввур қиляпмизми? Ўзимиз-чи? Бизга берилган омонат, яъни, сонияси олтинку

кумушдан азизроқ вақтимизни нимага сарфляпмиз?

Аввалроқ кўпгина болаларни “Рамаяна” телесериали ўзига шу даражада боғлаб қўйган, ҳатто баъзида ота-оналар фарзандларини тинчитиш учун “Рамаяна”ни кўришдан маҳрум қилиб, жазонинг антиқа йўлини ўйлаб топилган эди. Кўча-кўйда “Жаноби Рамга шарафлар бўлсин”, “Жаноби Рам номи билан...”, дея ўртоғига “камони”ни ўқталаётган болалар кўпайган эди. Ҳар бир ишни Аллоҳ номи билан бошлаши керак бўлган мусулмон фарзандининг ширкка етакловчи ботил сўзларга одатланиши қандай ёмон. Қуръони каримнинг улуг ҳикматлари, Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, муборак ҳадислари билан эмас,

этиқодимизга мутлақо бегона бўлган қайсидир сериал таъсирида онги заҳарланаётган болалар кўпайиб бораверса, кўнгил зийнати — имонга путур етмай-дими?!

Кўчатдан яхши ҳосил олишни ният қилган боғбон уни ниҳоллигидан бошлаб парваришлайди, қишнинг совуғидан, ёзнинг жазирамасидан муҳофаза этади. Фарзанд тарбияси ҳам ана шундай мураккаб ва нозик жараён. Фарзандларимизга икки дунё саодатини эмас, ўзга этиқод вакилларининг ахлоқсизликка чорловчи филмларини муносиб кўриб, ёш ниҳол — жигарбандимизнинг имон-этиқодини қаҳратон совуққа олдириб қўйишдан огоҳ бўлайлик.

Холис ўйлаб кўрайлик-чи, телесериаллардан нималарни ўрганяпмиз? Ота-онага бепишанд муносабатними, ахлоқсизликларнинг ҳаддан ошган кўринишлариними, муқаддас қадриятларни қандай топташ ёки ин-

ЖИНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Жинлар тоифаси Одамдан, алайҳиссалом, илгари оловдан яратилган. Шундан гурурланган иблис Аллоҳнинг Одамга сажда қил, деган ҳукмига итоат этмади ва бу қилмиши учун Парвардигор томонидан лаънатланди. Аламзада иблис Аллоҳдан қиймат кўнигача жонини олмаслигини сўради. Аллоҳ унга изи бергач, у Одам зотини тўғри йўлдан оздиражагини айтди.

Шундай қилиб, шайтон одамларни тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қиладиган, гуноҳ ишларга даъват этадиган бўлди.

Албатта, у шунчаки даъват билан чекланиб қолмайди. Одамларга ёмон нарсаларни яхши, чиройли қилиб кўрсатишга, нотўғри ишларни тўғри деб ишонтиришга ҳаракат қилади.

Жинларнинг ҳам мусулмонлари ва кофирлари бор. Кофир жинлар куфр ишлар билан шугулланадилар. Улар баъзи инсонларга турли зарар етказди; ҳар хил касалликларга дучор қилишлари ҳам мумкин.


Бу мақсадларига улар жохил, билимлари саёз, имони заиф баъзи кишиларни бахшилик, фолбинлик қилишга кўн-

дириш, бошқаларни эса, бахшилар ва фолбинларга нажот сўраб, мурожаат эттириш орқали эришадилар.

Шахсий тушунчам бўйича, кофир жинлар ўзлари танланган, ўзларига маъқул бўлган одамларни ҳамкорлик қилишга чақирибгина қолмай, мажбур ҳам этишади. Халқ орасида «Фалон киши фолбинлик қилмаётгани сабабли тез-тез касал бўлиб қолаётгир» деган гаплар бўлиб туриши маълум. Бу ҳолат жиннинг ўша кишини фолбин бўлишга мажбур этишидир.

Шундай аҳволга тушиб қолганлар Аллоҳдан наноҳ сўраб, оятал Курсий, Фалақ ва Ан-Нос сураларини кўпроқ ўқишиб юришса, жинлар ҳеч қандай зарар етказа олмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Аллоҳ бахшиларнинг дўст ту-



соннинг азиз ва мукаррам яратилганини унутишимиз? Ёхуд гуноҳ “қопчиқ”ларимизни тўлдиришининг янги йўллариними?

Ҳадиси шарифда: “Кимки бир қавмга тақлид қилса, ўша қавмдандир”, дейилган. Бу муборак сўзлар ҳикмати-

ни унутмайлик. Парвардигоримиз қиёмат куни бугун биз тақлид қилаётган, «ўрнак» олаётган қавмдан бўлиб қолишимиздан сақласин!

Собир КАМОЛ,
ЎзМУ журналистика
факултети талабаси

тинган жинлари билан бир-галликда-ҳамкорликда баъзи касаликларни даволашларига ҳам изн беради. Сабаби, ҳаёт имтиҳон дунёсидир. Аллоҳ имонли бандалирининг ҳам, имонсиз бандаларнинг ҳам хоҳлаган ишларини амалга оширишлари учун Ўзи хоҳлаган даражада изн бериш йўли билан жаннати бандаларини дўзахи кимсалардан ажратиб олади.

Баъзи кишилар, фолбинларнинг айтганлари тўғри ҳам келади-ку, дейишлари мумкин. Бу савол Пайгамбаримизга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳам берилган. Пайгамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мазкур саволга, жинлар кўрган-билганларини

ўзлари дўст тутинган кишиларга, яъни, фолбинларга айтишади, фолбинлар эса, жинлардан эшитган битта гапларига юзта ёлғонни қўшиб гапиришади, деган мазмунда жавоб берганлар.

Чиндан ҳам фолбинларнинг рост гапларидан ёлғон гаплари кўп. Айниқса, нафсларига қул бўлиб қолганлар шундай ҳийлакорлик, фирибгарлик каби шайтоний ишларга муккасидан кетадилар. Ҳар бир мўмин бундан огоҳ бўлиши зарур.

Йўлдош ОТАМУРОД
Жомбой тумани

Ибн Аббосдан, розийаллоҳу анҳу: “Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, бир куни ёнидаги одамлардан:

— Мен бу кеча бир оятни ўқидим. Тонггача ухлаёлмадим. Оятнинг маъноси қуйидагича: “**Остидан анҳорлар оқиб турувчи, хурмою узумлари бор, турли хил мевалари мўл боғи бўлган бир одам ўзи кексайиб, нотавон (ёш) болалари билан қолган пайтида ўша боғини оловли тўфон уриб, ёниб кетишини хоҳлайдими? Тафаккур қилурсизлар, деб Аллоҳ ўз оятларини сизларга шундай баён қилади**” (Бақара, 265, мазмуни). Бу

РИЁДАН ОГОҲЛАНТИРИШ

мисол савобли ишларни риёкорлик билан амалга оширган кишига нисбатан келтирилган. Ёнгин туфайли боғбон не умидлар билан парвариш қилган боғ-роғидан маҳрум бўлгандек, риёкор одам ҳам охирада ажру савобдан бебахра қолиши тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Аллоҳ бу тамсили билан нимани назарда тутган экан? — дея сўради.

— Аллоҳ билади, — деб жавоб қилди ўша ерда ўтирганлардан бири.

— Аллоҳ билишини мен ҳам билман, — деди Ҳазрати Умар, — мен бирортангиз бу борада бирор нарса билсангиз ёхуд эшитган бўлсангиз, гапирсин, дея сўрадим.

Шунда ҳамма жим қолди. Фақат мен бир нарсаларни пичирладим. Ҳазрати Умар мени кўриши билан:

— Тортинма, жиян. Билган нарсанг бўлса, гапирақол, — деди.

— Аллоҳ таоло бу тамсил ила кишининг амалини назарда тутган. Ортиқча тафсилот қилолмайман, — дедим.

Шунда Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, ўзи изоҳлай бошлади:

— Тўғри айтасан. Аллоҳ таоло бу тамсил орқали кишининг амалини назарда тутган. Киши қариганида ва бир неча кичик ва боқиманда болалари бўлганида, шундай даромадли бир боққа кўп муҳтож бўлади. Ҳа, сен жуда тўғриси гапирдинг.

Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади

АСҲОБУЛ КАҲФ ҚИССАСИ

(Давоми. Бошланиши 16-бетда)

— Кун бўйи ухлабмиз, шекилли, чунки жуда очиқиб қолибмиз, чарчоқ ҳам эзиб қўйибдида, — деди йигитларнинг иккинчиси.

— Йўғ-э, биз кундузи бир оз ухлаган бўлсак керак. Ахир, қуёш ҳали ботмапти-ку, — деди учинчиси. Уларнинг тўртинчиси эса:

— Суриштириб ўтиришни қўйинглар. Аллоҳ хоҳлаганича ухладик. Менинг қорним жуда очиб кетди. Гўёки кечадан бери ҳеч нарса емагандайман. Яخشиси бирингиз шаҳарга бориб бизга егулик келтирсин ва эҳтиёт бўлсин, токи бирор киши биздан хабар топмасин. Акс ҳолда, бизни ўлдириб кетишлари ёки эътиқодимизга хавф-хатар солишлари мумкин, — деди.

Улардан бири егулик олиб келгани шаҳарга жўнади. У шаҳарга киргач, ҳайратидан ёқа тишлаб қолди. Чунки шаҳар мутлақо ўзгариб кетган, баланд-баланд бинолар бўй чўзган, кечаги харобалар ўрнида қасрлар бунёд этилган, кечаги ҳашаматли саройлар эса харобага айланган ва ҳатто одамларнинг қиёфалари ҳам ўзгача. У атрофга диққат билан кўз югуртира бошлади. Унинг ҳадиксираб туриши одамлар эътиборини тортди. Шунда бир киши ундан:

— Сен бу шаҳарда бегонамисан? Нима тўғрисида чуқур ўйга толдинг? Ёки бирор одамни излаяпсанми? — деб сўради.

— Йўқ, мен бу юртга бегона эмасман, сотиб олиш учун егулик қидиряпман. Унинг қаерда сотилишини билмай турибман, — деди.

Шундан кейин бояги киши унинг қўлидан ушлаб овқат сотадиган жойга етаклаб борди. У чўнтагидан пул чиқариб, сотувчига узатди. Сотувчи пулларни қўлига олиб, даҳшатга тушди. Чунки пуллар бундан уч юз йиллар муқаддам зарб қилинган эди. Сотувчи харидорни бирон хазина топиб олган бўлса керак, унда бундай пуллар ва бошқа қимматбаҳо моллар кўп бўлса керак, деб гумон қилди. Бу ҳолни кўрган одамлар дарров уларни ўраб олишди. Йигит ҳайратини яширолмай атрофдагиларга:

— Эй одамлар, сизлар бекорга гумон қиляпсиз, бу пуллар сиз ўйлаганингиздек эмас. Мен уларни кечагина бозорда савдо қилиб, одамлардан олганман. Бугун эса уларга егулик сотиб олмоқчиман. Бу пуллар сизларни бунчалик даҳшатга солмаса? Нима учун менга тухмат қилмоқдасиз? — деб сирлари ошкор бўлиб қолишидан кўрқиб, тезроқ қайтишга шошилди. Аммо одамлар уни қўйиб юбормадилар. Унга хушмуомала бўлиб, лутф кўрсата бошладилар.

Ниҳоят, улар бу одам бундан уч юз тўққиз йил муқаддам золим ҳукмдорнинг жабридан тоққа қочиб кетган ва ҳукмдор ҳарчанд уринмасин, уларни топа олмаган етти йигитнинг бири эканини билганларидан сўнг, уни ҳурмат ва иззат қила бошладилар. Йигит уларнинг ишидан одамлар хабардор эканини билгач, ўзининг ва биродарларининг тақдиридан кўрқиб, қочишга шайланди. Шу пайт одамлардан бири:

— Эй йигит, сен кўрқма, чунки сенинг замонингда яшаган золим ҳукмдор бундан уч юз йилча муқаддам вафот этган. Ҳозирги ҳукмдоримиз эса ягона Аллоҳга имон келтирганлардан.* Сени-ку, таниб олдик, қолган биродарларинг қаерда? — деб сўради.

Йигит вазиятни тушуниб етди, ўзи билан бу одамлар орасидаги тарихий масофа қанча узоқ эканини англади. У, қанийди ҳозир бир шарпа бўлсаму билдирмай одамлар орасидан чиқиб кетсам, бир соя бўлиб қолсаму одамларга тутқич бермай, жўнаб қолсам, деб ўйлар эди. У савол берган одамга:

— Мени ўз ҳолимга қўйинглар, мен ғорга, биродарларим ҳузурига боришим ва уларга бўлган воқеани сўзлаб беришим керак. Вақт ҳам кеч бўлиб қолди, биродарларим мендан ҳавотир олаётган ва ташвишга тушаётган бўлишса керак, — деди.

Етти йигитнинг топилгани хабарини эшитган мўмин ҳукмдор улар билан учрашиш учун

гор томон шошилди. Не кўз билан кўрсинки, горда таналарида ҳаёт барқ уриб турган, томирларида жўшқин қон оқаётган, сиймоларидан нур таралиб турган ўспирин йигитлар бор эди. Ҳукмдор дарҳол уларни кучоқлаб бағрига босди ва уларни қасрга таклиф этиб, у ерда истиқомат қилишларини сўради. Ҳукмдорнинг таклифига улар шундай деб жавоб бердилар:

— Биз энди яшашни истамаймиз. Зеро, бола-чақалар, невара-эваралар ҳам дунёни тарк этишган, уй-жойларимиз йўқолиб кетган бўлиши аниқ.

Шундан кейин улар Аллоҳга илтижо этиб жонларини олишини ва Ўз раҳмати билан сарафроз қилишини сўрадилар. Дарҳол дуолари мустажоб бўлди ва йигитлар жонсиз ҳолда ерга йиқилдилар.

Бу мўъжизанинг гувоҳи бўлиб турган одамлар:

— Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ, қайта тирилиш ва қиёмат ҳақ ва шубҳасиз эканини англаб, ибрат олишимиз учун Аллоҳ бизни Асҳобул Қаҳфга йўлиқтиргани аниқ, — дедилар.

Одамлар йигитларни дафн қилиш хусусида баҳс-мунозара қилишгач: **“Уларнинг бошлари узра мақбара бунёд қилинганлар, уларнинг Парвардигори уларнинг тақдирини билувчироқ Зотдир»**, дедилар. **“Албатта уларнинг тепаларига масжид қуражакмиз, дедилар уларнинг ишларига мутасадди бўлган одамлар”** (Қаҳф, 21, мазмуни).

* Тафсири Насафийда (3-жузъ, 7—8-б.) ва Тафсири Ибн Касирда (2-жилд, 410—413-б.) шунга ўхшаш ривоят нақл қилинган. Ибн Касирда золим подшоҳнинг номи Дақёнус, солиҳ ҳукмдорнинг исми Яндусис дейилган.

Рост сўзлабдилар

Баъзи одамлар Исломни қабул қилгач, Исро ва Меърож ҳодисасини эшитганларида Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сўзларига ишонмай, муртад бўлиб, диндан қайтдилар. Аммо Абу Бакр Сиддиқ, розийаллоҳу анҳу, ҳеч иккиланмай: «Агар у киши шундай деган бўлса, рост сўзлабди», дедилар. Диндан қайтганлар шубҳалари тасдиқланмай, рад жавоб берилганидан газабланишди. Улар Абу Бакр Сиддиқ ҳузурларига қайтиб бориб, такрор:

— Бир кечада унинг “Байтул Мақдис”га бориб, тонг отмасдан бурун қайтганини тасдиқлайсанми? — деб сўрашди.

Абу Бакр, розийаллоҳу анҳу:

— Ҳа. Самовий хабар сизни бундан ҳам кўпроқ ажаблантирса-да, мен у Зотнинг рост айтишига ишонаман, — дедилар. Сўнгра Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ёнларига йўл олдилар. У зотнинг сўзларига қулоқ тутиб: “Чин гувоҳлик бераманки, ҳақиқатда Сиз Аллоҳнинг бандаси ва расулидирсиз”, дедилар.

Насиҳат

Пайғамбарлардан Яҳё ибн Закариё бир куни иблисни кўриб қолиб, унга дедилар:

— Эй Аллоҳнинг душмани, сенда мени янглиштирадиган нарса борми? — деб сўрадилар. Иблис жавоб берди:

— Эй Яҳё, менда сени адаштирадиган фақат бир нарса бор,

у ҳам бўлса, сенинг кўп ейишинг, кўп ичишинг ҳамда намозни ўз вақтида ўқишга дангасалик қилишингдир.

Шундан сўнг Яҳё, алайҳиссалом:

— Аллоҳ номи билан қасамки, шу кундан бошлаб ҳеч қачон тўйиб овқат емайман, — дедилар. Иблис эса унга жавобан:

— Мен ҳам энди ҳеч кимга ҳеч қачон насихат қилмайман, — деди.

Оқилона жавоб

Бир киши донишманддан сўради:

АГАР МЕНИ УНУТСАНГ

— Нима учун инсонларга гапиришда бахиллик қиласиз? Донишманд деди:

— Яратувчи Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло камроқ сўзлаб кўпроқ тинглашимиз учун бизга икки қулоқ ва бир тил берган.

Савол

Мусо, алайҳиссалом, сўрадилар:

— Эй Раббим, мен сенга қандай шукр қилишим зарур? Нидо келди:

— Эй Мусо, мени зикр қилсанг, менга шукр қилган бўласан. Агар мени унутсанг, менга куфр қилган бўласан:

“Мени зикр қилингиз, мен ҳам сизларни эслайман. Менга шукр қилингиз ва Мени инкор қилмангиз” (Бақара, 152, мазмуни).

“Мустатраф” китобидан
Абдуқаюм ҲИКМАТ
таржимаси.



«...АҚЛЛИ КИШИЛАР УЧУН ОЯТ-АЛОМАТЛАР...»

Балиқлар сув ости дунёсида яшовчи кўплаб жонзотлар каби ўзига хос тарзда озикланади, нафас олади ва ухлайди.

Балиқлар сувда яшайдиган умуртқали ҳайвонлар синфига киради. Улар гўштдор, бақувват думи ёрдамида ҳаракат қилади, қанотлари эса қўшимча ҳаракат аъзоларидир. Яшаш жойига ва ҳаёт тарзига қараб, балиқларнинг танаси хилма-хил шаклга эгадир. Танасининг ранги ҳам яшаш шароитига мослашиб, ҳимоявий тус олади. Йиртқич балиқларнинг оғзи катта ва жағлари тишли, бошқа тур балиқларнинг оғзи кичик ва жағларида тиш бўлмайди.

Чўртан балиқнинг пастки жағида қозиқ тиш ва юмшоқ тўқима остида икки ё тўртта ёрдамчи тиш бўлади. Қозиқ тишлар ишдан чиққанида ёрдамчи тишлар уларнинг ўрни олади. Шу замида қозиқ тишлар алмашилиб туради. Оғиз бўшигидаги бошқа майда тишлар ўлжани ютишда ҳалақит бермаслиги учун учи ҳалқумга йўналган ҳолда шиллиқ қават остида туради. Агар ўлжа оғзидан чиқиб кетишга ҳаракат қилса, бу тишлар минглаб игналар каби ўлжага ботирилади.

Балиқларнинг нафас олиш тизими бошқа жонзотларникидан тубдан фарқ қилади. Балиқлар жабралари ёрдамида нафас оладилар. Жабралар сув тарки-

бидаги кислородни ажратиб беради. Оғиздан кирадиган сув жабра ёйлари устидан ичкарига ўтади. Жабрадаги майда томирлар сувда эриган кислородни олиб, танадаги карбонат оксидни сувга чиқаради. Балиқларнинг кўпида бурун тешиклари бор, аммо бу тешиклар нафас олиш учун эмас. Бурундаги ингичка найчалардан кирган сув орқали балиқ ҳид билади. Масалан, наҳанглар ўлжаларини ҳидидан топади.

Балиқ сувда думининг ҳаракати ёрдамида олдинга сузади. Ён мускуллари қайишқоқ умуртқасини гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга эгиб, думининг ҳаракатини бошқаради. Ҳаракат йўналишини ўнгга, чапга, юқорига, пастга ўзгартириш учун балиқ сузиш қанотларидан фойдаланади.

Йирик балиқларнинг ҳаво халтачалари бўлмагани учун, улар денгиз тубидагина хотиржам яшайдилар, маълум чегарага кўтарилгач, чўкмаслик учун тўхтовсиз ҳаракатда бўлишга мажбурлар. Жигардаги ёғ манбаи бу доимий ҳаракатни керакли қувват билан таъминлайди.

Балиқларда кўз қовоқлари йўқ. Балиқлар кўзининг устини қоплаган шаффоф парда орқали дунёни кўрадилар. Бу парда гаввосларнинг сувости кўзойнакларини эслатади. Қат-

тиқ ва думалоқ кўз соққаси яқин манзарани кўриш учун тўғриланади. Узоқни кўрмоқчи бўлганида эса бутун линза тизими кўзнинг ички қисмида жойлашган махсус мускул билан орқа тарафга тортилади.

Оқ наҳангнинг кўзи шундай жойлашганки, бир вақтнинг ўзига барча йўналишларни кўра олади. Лаққа балиқлар эса, озуқани кўзи билан кўриб эмас, “мўйловлари” орқали сезиб топади.

Биз инсонлар бу мўъжизалардан ибрат олмоғимиз керак. Барча нарсаларнинг яратувчиси Аллоҳ таоло ҳар бир жонзотнинг ҳаёт кечириши учун ўзига хос тартиб ва тизим берган. Уларнинг ҳар бири ягона Холиқнинг борлигига далил ўлароқ, бизга яратилиш ҳикматини эслатиб туради. Қуръони каримда бу ҳақиқатга қанчадан-қанча ишоралар келган. Масалан, Бақара сурасининг 164-ояти мазмуни шундай:

“Албатта, осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча ва кундунинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва ер орасидаги итоатгўй булутда — (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир”.

Маҳмуд МАҲКАМ
тайёрлади.

